Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 71 (20. 638) • 1990 йил 25 март, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

24 март куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси иш бошлади.

Сессияни Марказий сайлов комиссиясининг раиси Т. Ҳ. Собитов очди.

Мандат комиссиясининг раиси депутат Ш. М. Мирзиёев комиссия докладини қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Конституциясининг 104-моддасига биноан Мандат комиссиясининг доклади юзасидан Ўзбекистон ССРнинг 463 нафар халқ депутати ваколатларини эътироф этди.

Сессия ишининг қуйидаги кун тартиби тасдиқланади:

Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақида;

Ўзбекистон ССР Президентини сайлаш;

Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларининг муваққат регламенти тўғрисида;

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раисини ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосарини сайлаш;

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларини тузиш;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таркибини тасдиқлаш;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисини тайинлаш;

Ҳукуматнинг келгусидаги фаолият программаси тўғрисида ҳамда СССР халқ депутатлари II Съезднинг «Иқтисодиётни соғломлаштириш тадбирлари, иқтисодий ислоҳотнинг босқичлари ва ўн учинчи беш йиллик планини ишлаб чиқишга принципиал ёндашувлар тўғрисида»ги қарорининг қандай бажарилаётгани ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг доклади;

«Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифлари тўғрисида;

Ўзбекистон ССР Олий судини сайлаш;

Ўзбекистон ССР иқтисодий мустақиллигини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида.

Депутатлар бошқа бир қанча муҳим масалаларни ҳам муҳокама қиладилар.

Сессия Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини муҳокама қилишга ўтади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат М. И. Иброҳимов доклад қилди.

Муҳокамада Ўзбекистон ССР халқ депутатлари С. Д. Ниетуллаев, М. Эргашева, В. Г. Грабилин, Б. Сериков, О. Маҳмудов, Ҳ. Ҳ. Нишонов, П. Қ. Қодиров, Г. Х. Сидаков ва бошқалар иштирок этдилар.

Сессия «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунини қабул қилди.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Президенти сайланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Ислом Абдуғаниевич Каримов яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг биринчи Президенти этиб сайланди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов қасамёд қилди. Сўнгра Ўзбекистон ССР Президенти нутқ сўзлади.

26 март куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттиради.

Кеча Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессияси ўз ишини бошлади. Депутатлар Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президентини сайладилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти тўғрисида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти этиб сайлансин.

Президент қасамёди

И. А. Каримов қасамёд қилади: **«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти лавозимида иш бошлар эканман, Ўзбекистон халқларига садоқат билан хизмат қилишга, гражданлар ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон ССР Конституциясига қатъий риоя этишга, зиммамга юкланган юксак вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».**

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси гражданлари!

Қадрли юртдошлар!

Ҳозиргина республика Олий Совети сессиясининг қарори билан Ўзбекистон тарихида биринчи марта Ўзбекистон ССР Президенти лавозими таъсис этилди ва бу юксак масъулиятли вазифа менга топширилди.

Бу катта ишонч учун ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман. Мен буни энг аввало ўзбек халқи, Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашлари, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, жумҳуриятимизда яшовчи ҳамма миллат ва халқлар тақдири учун ўз зиммамга тушган улкан бурч ва жавобгарлик деб қабул қиламан. Ҳар бир гражданнинг конституцион ҳуқуқи ва эркинликларини, совет халқлари ягона оиласидаги республикамизнинг миллий ва ижтимоий жиҳатдан тобора тараққиётини таъминлаш йўлидаги катта масъулият деб тушунаман.

Хабарингиз бор, бир неча кун олдин СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездида СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Бу лавозимга Михаил Сергеевич Горбачев сайланди.

Бу воқеа мамлакатимизнинг ҳамма жойида чуқур мамнуният билан кутиб олинди.

Совет кишилари ўз ҳаётларининг амалдаги равнақи, тартиб ва интизомнинг мустаҳкамланиши, янгиланаётган СССР федерациясида совет халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигининг янада ривожланиши ҳақидаги ўз орзуумидларини худди шу воқеа билан боғламоқдалар.

Президент бошқарувини ҳаётнинг ўзи, қайта қуришнинг мантиқи, моҳияти, унинг мураккаб ва зиддиятли жараёнлари тақозо этаяпти.

Жумҳуриятимиз бутун мамлакат сингари бутун оғир, бурилиш даврини бошидан кечираяпти.

Узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган миллий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланиш муаммолари ниҳоятда мураккаб ва кескин тус олди. Республиканинг келажаги, халқ тақдири, ҳар бир одамнинг, унинг оиласи турмушининг, Ўзбекистон гражданлари келажак авлодлари ҳаётининг тўкислиги, тинчлик-осойишталиги бу муаммоларнинг изчиллик билан ҳал этилишига боғлиқдир. Республикамиз олдида турган мана шу ва бошқа бир қатор долзарб масалаларни тубдан ҳал этишда президент лавозимининг таъсис этилиши янги имкониятлар очади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти сифатида ўзимнинг асосий вазифаларим нималардан иборат деб биламан?

1. Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиш.

Халқ миллий онгининг ўсиши, мамлакатимизнинг миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишининг ҳозирги замон даражаси ва истиқболи совет федерациясининг янгиланишини, республика билан ССР Иттифоқи ўртасидаги алоқа ҳамда ваколатларнинг янада аниқроқ белгиланишини талаб қиляпти.

Бугунги кунда СССР таркибидаги бошқа иттифоқдош республикалар қатори Ўзбекистон ССР ҳам мустақил социалистик давлат сифатида ўз территориясида тўла-тўкис давлат ҳокимиятига эга бўлмоғи кераклиги очиқ-ойдин бўлиб турибди.

СССР давлат ҳокимиятининг олий органлари ихтиёрига ўз хоҳиши ва тегишли ўзаро келишув бўйича берилган ваколатлар, албатта, бундан истиснодир.

Президент сифатида республикамиз ўзига тегишли масалаларнинг барчасини мустақил ҳал қилиши керак деб ўйлайман.

Булар — меҳнат ресурсларидан, табиий ва минерал хом ашё бойликларидан мустақил ва оқилона фойдаланиш, ўз территориясида иқтисодий ва ижтимоий-маданий тараққиётни комплекс равишда ривожлантириш, ССР Иттифоқи қарамоғидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, меҳнат хавфсизлигини, атроф-муҳит муҳофазасини, аҳолининг эҳтиёжларини таъминлаш масалаларидир.

Шу билан бир қаторда республикамиз ва унинг барча гражданлари томонидан Иттифоқ шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар қатъий, сўзсиз бажарилиши лозим. СССРнинг мустақиллигини, территориал яхлитлигини, СССР давлат чегаралари муҳофазасини, мудофаа ва қуролли кучларни уюштиришни, давлат хавфсизлигини таъминлаш — биринчи навбатдаги вазифалардир.

СССРнинг халқаро шартномаларида белгиланган ва мамлакатнинг ягона халқ хўжалиги комплекси миқёсида барча республикалар ҳамкорликда ечиши лозим бўлган иқтисодий ва ижтимоий вазифалар ҳам шу жумладандир.

Ўзбекистон ССР мустақил ва тенг ҳуқуқли республика сифатида бошқа республикалар билан сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни ўзаро эркин ҳал қилади. Бу алоқаларни дўстлик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва тотув қўшничилик муносабатлари асосида янада мустаҳкамлаб бораверади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ўртасидаги асрий биродарлик, дўстона муносабатларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Тарихимизнинг, тақдиримизнинг бирлиги, тилимиз, маданий-маънавий анъаналаримиз ўхшашлиги, яқин қўшничилик ва қариндошлик алоқалари республикаларимиз ҳамкорлигини янада кенгайтириш имкониятини беради.

Миллий-давлат қурилиши соҳасида миллатлараро алоқаларни яхшилаш, гражданларнинг, қайси миллат вакиллигидан, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Ўзбек тилининг давлат тили эканлиги ҳақидаги қонунни изчил амалга ошириш билан бирга, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакилларига ўз тилларида бемалол гаплашиш, уларнинг миллий-маданий эҳтиёжларини қондириш ва бутун аҳолига миллатлараро мулоқот тили бўлган рус тилидан эркин фойдаланиш имкониятларини ҳам таъминлаш зарур.

Бу масалалар Қорақалпоғистон Автоном Республикасига ҳам тўлиқ тааллуқлидир. Регионимизда ягона бўлган автоном республиканинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, унинг миллий-давлат ва ҳуқуқий мақомини барқарор қилиш шунга боғлиқдир.

Энг муҳими — республикада яшовчи барча миллат ва халқлар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларни сақлаб қолиш ва кучайтиришдир.

Бу — республикада тинчлик ва осойишталикни, одамларнинг тақдири, бутун мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи вазифадир.

Ўтган йили Фарғона вилоятида, яқинда Тошкент вилоятининг айрим районларида бўлиб ўтган фожиали воқеалар миллатлараро муносабатларнинг бузилиши, кескинлашуви нималарга олиб келишини рўй-рост кўрсатди.

Бу ҳолни фақат вабодай юқумли касаллик билан қиёслаш мумкин. Бегуноҳ одамлар қурбон бўлмаслиги, ҳаммаёққа ўт кетмаслиги учун бунинг олдини олиш зарур.

Шунинг учун СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига, ўзбек халқининг олижаноб инсоний фазилатларига таяниб, ҳар бир одамнинг қадр-қимматини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи, миллий адоват ва зўравонликни ман этадиган қонунларга қатъий риоя қилишни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Бу қонунларга риоя қилмаслик ҳар бир киши учун — инсоният олдида, энг аввало ўз халқи олдида оғир жиноят деб ҳисоблайман.

Бу — одамларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларига тажовуз, мамлакат ва дунё жамоатчилиги кўз ўнгида халқимизнинг обрўсини тўкиш демакдир.

Бунга йўл қўйишга, азиз ўртоқлар, сиз билан бизнинг мутлақо ҳаққимиз йўқ.

Ўзбек халқи асрлар давомида барча халқлар билан иноқ яшаган, дўстона ҳамкорликда бўлган, инсонпарварлиги, меҳнатсеварлиги, меҳмондўстлиги, меҳроқибати, ҳолис ёрдам учун доим тайёрлиги билан бошқа қардош халқларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган, таҳсинига сазовор бўлган. Унинг мана шундай олижаноб шанига ҳеч қимнинг доғ туширишига йўл қўймаслигимиз керак.

2. Президент бошқарувининг муҳим вазифаларидан бири республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини ўзи идора қилишга ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишини таъминлашдир.

Мазкур сессияда халқ депутатлари Ўзбекистон ССР иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг асосий йўналишлари белгиланган ҳукумат программасини муҳокама қилиб тасдиқлашлари керак.

Жумҳуриятимизнинг сўзда эмас, амалда иқтисодий мустақиллигини белгиловчи айрим энг аҳамиятли масалаларга тўхтаб ўтмоқчиман. Улар партия ва Совет ҳокимиятининг асосий мақсади бўлган халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги мураккаб, чигал муаммоларнинг ҳал қилинишни билан боғлиқдир.

Улардан биринчиси халқ хўжалиги комплексини тубдан қайта қуришдир. Хом ашё етиштиришдан халқ учун зарур бўлган тайёр товарлар ишлаб чиқаришга ўтиш. Бу билан республикада яратилаётган ялпи маҳсулот ва миллий даромадни илдам суръатларда ўстиришни таъминлаш.

Ўзбекистон табиий ва хом ашё ресурсларига бой. Буларнинг ҳаммаси—ер, сув, ўрмон ва ерости бойликлари—республиканинг ажралмас мулки бўлиши керак. Лекин ана шу табиий бойликлардан ўйламай-нетмай фойдаланиб, тез ўсиб бораётган аҳолининг эҳтиёжларини қондириш мумкин деган ўртоқлар хато қилади.

Ҳар қандай табиий бойликнинг чегараси бор. У бир кун эмас бир кун тамом бўлади. Уни қайта тиклаб бўлмайди. У бизга ота-боболаримиздан қолган меросгина эмас, балки биз авайлаб-асраб, янада ошириб, келажак авлодларга етказиб беришимиз керак бўлган омонат ҳамдир.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, биронта мамлакат ё халқ ўз фаровонлигини фақат хом ашё сотиб таъминлай олмайди. Газ ёки металл, пахта ёки пилла сотиб маълум вақтгина бойлик орттириш мумкин. Лекин бунақа иқтисоднинг истиқболи йўқ.

Ҳақиқий ободончиликка, фаровонликка фақат табиат инъомларидан оқилона фойдаланиб, уларнинг қийматини янада оширадиган юқори унумли, малакали меҳнат билан эришиш мумкин.

Шунинг учун биз танлаган бош йўл — республиканинг барча табиий бойликларини — пахта, металлар, пилла, газ, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлашни кўпайтириш.

Бу вазифани фан-техника ютуқларига асосланган сермеҳнат ишлаб чиқаришни, малакали мутахассисларнинг, меҳнаткашларнинг барча табақа вакиллари савиясининг ўсишини таъминламасдан бажариб бўлмайди.

Шу билан бир қаторда экономикамиз бошқарув ва хўжалик юритишнинг, мулкчилик ва товар-бозор муносабатларининг турли хил янги усулларига ўтиши муҳим аҳамиятга молик.

Халқ хўжалиги структурасини тубдан ўзгартириш билан катта сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муаммо — аҳолини мунтазам равишда иш жойлари ва етарли иш ҳақи билан таъминлаш масаласи боғлиқдир.

Бу вазифа шу қадар кескин турибдики, биз уни ҳал қилиш учун бир йўл эмас, бир неча йўллардан, бир-икки имконият эмас, бор имкониятларнинг барчасидан фойдаланишимиз зарур.

Халқ ҳаётининг ўзига хос тарихий, миллий хусусиятларидан келиб чиқиб анъанавий ишлаб чиқаришни, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик корхоналарини кўпайтириш лозим.

Район марказларида, қишлоқларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини, филиал ва цехларни қуриш, уларда меҳнатни турлича ташкил қилиш — қисқартирилган иш куни ва ҳафтаси, уйда ишлаш каби усуллардан кенг фойдаланиш керак. Ва ниҳоят илмий-техник тараққиётнинг бугунги даражасига жавоб берадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Бусиз аҳолининг иш билан бандлигини ҳам, умуман олганда эса миллий ва ижтимоий тараққиётни ҳам таъминлаб бўлмайди.

Айтиб ўтилган ва бўлак ишларни мамлакатнинг бошқа республикалари ва иқтисодий районлари, чет эллар билан ўзаро фойдали иқтисодий, илмий-техник ва маданий алоқаларсиз ҳал этиш қийин.

Иқтисодий мустақиллик — ўз ёғида қовурилиш, ўз қобиғида қолиб кетиш эмас. Бу — умуминсоний тажрибасига зид ҳодиса.

Иқтисодий мустақиллик — республикамизнинг табиий, иқтисодий, демографик (аҳолининг кўплиги) каби ва бошқа имкониятларидан халқ ҳаётининг равнақи учун тенг ҳуқуқлилик асосида ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш учун иложи борича кенгроқ фойдаланишдир.

3. Меҳнаткашларнинг, аҳолининг ҳамма табақалари фаровонлигини ошириш, одамларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш — республиканинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан, шахсан мендан, Ўзбекистон ССР Президентидан доимий эътибор талаб қиладиган вазифадир.

Республикамиз жон бошига даромад, озиқ-овқат ва ҳар кунлик эҳтиёж моллари истеъмол қилиш, уй-жой, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, савдо, социал-маиший ва маданият тармоқлари бўйича Иттифоқимизда охирги ўринларда турибди.

Қулай иқлим шароитларига ва ноёб табиий бойликларга эга, СССРда энг йирик республикалардан бири шу даражада бўлишига чек қўймоқ лозим.

Орол муаммоси Қорақалпоғистон АССР, умуман Ўзбекистон, бутун Ўрта Осиё региони фожиасига айланди. Табиат муҳофазасини ва санитария аҳволини яхшилаш борасида кескин чоралар кўришимиз керак.

Биринчи навбатда инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикада бўлажак миллий-давлат ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлиши шарт.

Хабарингиз бор, бу борада биринчи жиддий қадамлар қўйилди. Қишлоқ аҳолисига шахсий хўжаликларни кенгайтириш ва уй-жой қуриш учун қўшимча ер ва маблағ ажратилмоқда, қурилиш материаллари билан ёрдам берилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб пахта теримига қўшимча ҳақ тўланаяпти ва бундан буён бу маблағлар икки баравардан кўпроқ ошади.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини ошириш тўғрисидаги масала мамлакатимиз ҳукумати олдига қўйилди ва охиригача ҳал этилади. Республикамиз пойтахти Тошкент, бир қатор вилоят марказлари ва шаҳарларнинг хўжалигини яхшилаш ва қайта қуриш, қишлоқларнинг социал аҳволини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган ва белгиланган тадбирлар амалга оширилаяпти.

Бошланғич синфлардаги ўқувчиларга бепул овқат, ҳомиладор бемор аёлларни қўшимча, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жорий этилди.

Ветеранларнинг нафақасини ошириш, ногирон ва ёлғиз қолган қариялар уй-интернатларининг шароитларини яхшилаш учун қўшимча маблағ сарф этиляпти. Ётоқхоналарда жой танқислигидан шахсий уйларда ижарага яшаётган талабаларга моддий ёрдам берилмоқда.

Ҳали инсонларнинг ҳаётини яхшилаш борасидаги катта режалар, умидбахш тадбирлар кўп. Улар Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида баён этилган.

Ўзбекистон ССР Президенти сифатида республикамизда одамлар ҳаётининг тўкислиги учун барча шароитларни яратиш бўйича қабул қилинаётган ижтимоий программаларни бекаму-кўст амалга оширишни ўзимнинг асосий вазифам деб биламан.

Бунинг учун аҳолининг барча табақаларига озиқ-овқат маҳсулоти ва товар таъминотини яхшилаш, қишлоқ оилаларининг даромадини кўтариш лозим. Шунингдек ёшларимиз ва кексаларимиз, аёлларимиз тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз керак.

Барча аҳоли пунктларини сифатли ичимлик сув ва газ билан таъминлаш, атроф-муҳитни соғломлаштириш ва ижтимоий вазиятни яхшилашимиз зарур. Менинг фикримча, республика халқ депутатлари Олий ва маҳаллий Советларининг, ҳамма совет, давлат, хўжалик идораларининг, жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг фаолияти энг аввало ана шу мақсадларга қаратилмоғи ниҳоятда муҳимдир.

Турмуш шароитлари ночор бўлиб турган бир пайтда ноинсофлик, давлат ва халқ мулкига хиёнат, чайқовчилик, жиноятчилик ва бошқа иллатларга қарши шафқатсиз кураш — бугунги кунинг долзарб талабидир.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Одамларнинг ҳаётига, пешона тери билан топган молмулкига чангал солаётган имонсиз кимсаларга қарши мен Президент сифатида халқнинг иродасига таяниб аёвсиз чоралар кўраман. Қонунчилик барқарор бўлиши учун менга берилган ҳокимиятнинг барча имкониятларини ишга соламан.

4. Президент фаолиятининг, республика партия, совет, давлат ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бири халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг ахлоқий ва жисмоний такомилидир.

Бу масалалар алоҳида қунт ва саботни, кишиларга нисбатан алоҳида эътибор ва ғамхўрликни талаб қилади.

Инсон ҳаётининг бу нозик ва мураккаб томонлари билан, хазиналарга тўла миллий-тарихий анъаналар билан, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирди. Бинобарин, бу камчиликларни тузатиш учун жуда катта меҳнат қилишимиз керак. Асосий ишларимиз нималардан иборат бўлиши керак?

Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш лозим. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамда мадад бўлган.

Бизнинг вазифамиз — шу хазинани кўз қорачиғимиздек асраш ва янада бойитиш.

Сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини, эътиқодининг эркинлигини таъминлашимиз керак. Мен Президент сифатида одамларнинг маънавий тарбияси, тинчлик ва хайрли ишлар мақсадида ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб-қувватлайман, у билан ҳамкорлик қиламан.

Масаланинг бошқа томони — маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. Инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган мактаблар, кутубхоналар, театр ва бошқа маданият ўчоқларини кўпайтириш, уларнинг шароитларини яхшилаш.

Биз кўп йиллар давомида маърифат-маданиятга нотўғри муносабатда бўлдик. Унга сарфланаётган маблағлар доим бошқа соҳалардан кам бўлди. Натижада биз бу масалада кечириб бўлмас даражада орқада қолиб кетдик.

Барча планларимизда маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар қаторидан ўрин олиши лозим.

Ва ниҳоят, шу соҳаларда ишлаётган кадрлар масаласи. Ўқитувчилар ва шифокорлар, маданий-оқартув муассасаларидаги ва бошқа соҳалардаги кўплаб мутахассислар — чинакам зиёлилардир.

Айниқса олимлар ва ижодкор ходимларимизга эъзти борни кучайтириш керак. Маънавий бойликларни улар яратади. Уларга ғамхўрлик қилиш, самарали фаолиятлари учун барча зарур моддий-маънавий шароитларни яратиб бериш давлат ҳокимияти ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг бурчи ва масъулиятли вазифасидир.

Ўртоқлар, яна бир долзарб вазифа ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи. Ахир ёшлар халқ маънавиятининг — ҳам маҳсули, ҳам келажаги.

Шунинг учун ҳар бир ўғил-қизимиз дастлабки қадамларидан бошлаб маданий бойликларимиздан баҳраманд бўлиши керак.

Истеъдодли ёшларимизнинг, йигит-қизларимизнинг ўз қизиққан соҳаларида етук инсонлар бўлиб етишишлари учун тегишли шарт-шароитлар ҳали тўла яратилгани йўқ.

Ўзимизнинг маънавий бурчимизни оқлашни истасак уларга оталарча ғамхўрлик қилишимиз керак. Ана шу мақсадда биз уларнинг мамлакатимиз ва чет эллардаги энг нуфузли илмий марказларда таълим олишлари учун маблағлар ажратдик.

Бу ишлар учун ҳеч нарсани, шу жумладан валютани ҳам аямаймиз. Ишончим комил, бу тадбирларни сиз депутатларимиз ҳам, халқимиз ҳам қўллаб-қувватлайсизлар.

Шу ўринда яна бир мулоҳазам бор, ўртоқлар. Ёшларимизни, айниқса, қарияларимизни уларнинг иззат-нафсига тегадиган айрим номаъқул ҳоллардан асрашимиз керак.

Санъатда ошкораликни пеш қилиб телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса, ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар кўпайиб қолди.

Депутатларнинг ва президентнинг ваколатлари жамиятимизнинг инсонийлик ва ахлоқий ақидаларини поймол қилувчи ана шу тажовузкорликка қаттиқ қарши туришга имконият беради, деб ўйлайман. Бу тадбир халққа ҳам маъқул бўлади, деб ишонаман.

5. Юқорида қайд этилган вазифаларни фақат демократияни, ҳақиқий халқ ҳокимияти бўлган Советларни, ҳуқуққа асосланган давлат қурилишини ривожлантириб, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаб, партияда қайта қуришни чуқурлаштириб ва ниҳоят республиканинг миллий-иқтисодий тараққиёти йўлида барча соғлом кучларни бирлаштирибгина ҳал қилиш мумкин.

Бунинг учун партия ташаббуси билан бошланиб кенг халқ оммаси қизғин қувватлаган инқилобий қайта қуриш жараёни катта имкониятлар очиб берянти. Бундай имкониятлар ҳеч қачон бўлмаган, ўртоқлар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети комиссиялари ва бутун депутатлар корпуси ҳамкорлигига таяниб мамлакатимизда, республикамизда ҳуқуқий давлат шаклланиши, қонун ҳурмат қилиниши ва унга риоя этилиши учун мен қатъият билан иш олиб бораман. Шахсга сиғиниш йилларида ҳам, яқин орада ҳам йўл қўйилган қонунбузарликлардан, зўравонликлардан кўп азият чеккан республикамиз, халқимиз учун бу жуда ҳам муҳимдир.

Республикамиз ҳар бир гражданининг ҳуқуқи ва қадр-қимматини ҳар қандай тажовуздан, у қаерда ва ким томонидан қилинишидан қатъи назар, қаттиқ туриб ҳимоя қилишга сўз бераман.

Демократияни янада ривожлантиришни Президент бошқарувининг асосий вазифаларидан бири деб биламан.

Бу соҳада КПСС Марказий Комитетининг февраль ва март Пленумлари, КПССнинг XXVIII съезди олдидан умумхалқ муҳокамасига қўйилган Ҳаракат дастури ва янги Устави лойиҳалари, КПСС Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездида СССР Конституциясининг 6-, 7-моддаларининг муҳокама қилингани, Ўзбекистон ССР Конституциясига айнан шу ўзгартиришлар киритилиши бу ишга кенг имконият яратади.

Шу билан бир қаторда демократия — бебошлик, ошкоралик эса — оғизга келганини гапириш эмаслигини ҳам очиқ айтиб қўймоқчиман.

Жиноятчиликнинг кўпайиб бораётгани, жамиятга қарши кучларнинг вазиятни кескинлаштиришга уринишидан, миллий адоватни кучайтириб, оммавий тартибсизликлар келтириб чиқараётганидан халқимиз қанчалик ташвишда эканлигини ҳаммангиз яхши биласиз.

Бунинг оқибатида қандай фожиалар юз бераётгани, халқ қанчадан-қанча моддий ва маънавий зарар кўраётганидан ҳам хабардорсиз. Шунинг учун халқимизнинг, барча миллат вакилларининг ҳоҳишига, иродасига амал қилиб, давлатимизнинг, жамиятимизнинг сиёсий-маънавий асосларига қарши бўлган ҳар қандай уринишларга чек қўйиш, гражданларнинг ор-номусини ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш учун сизлар билан биргаликда қатъий ҳаракат қиламан.

Бугунги мураккаб ҳал этувчи бир вақтда барча соғлом кучларимиз ҳар қачонгидан ҳам жипсроқ, ҳамжиҳат, бир тан, бир жон бўлиши зарур.

Уларни бирлаштирувчи куч — Ўзбекистон Компартияси, унинг Марказий Комитети, жойлардаги партия ташкилотларидир. Чунки ўтмишдаги хатоларга, шу кунги камчиликларга қарамай ҳозирги жараёнларда аҳолининг барча табақаларини инқилобий ўзгартишлар сари бошқарувчи бошқа куч йўқ.

Компартия республикамизда катта нуфузга эгадир. Унинг вакиллари республикамизнинг Олий ва маҳаллий Советларида кўпчиликни ташкил этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби сифатида сиз депутатларни ва барча меҳнаткашларни ишонтириб айтаманки, республикамиз партия ташкилотлари ўтмишнинг хато ва нуқсонларига чек қўйиб, ўз фаолиятларини тубдан ўзгартиряптилар.

Ўз фаолиятини танқидий кўз билан таҳлил этиш, ички ишларида демократия ва ошкораликни кучайтириш, халқ билан алоқани янада мустаҳкамлаш — партиямизнинг бугунги кунда кўзга яққол ташланиб турган асосий ҳаракати ва мақсадидир.

Ўртоқлар!

Яна бир марта сизларни Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини ўзимнинг халқ олдидаги, республика олдидаги бурчим, масъулиятим деб ҳисоблашимга ва жонажон Ўзбекистонимизнинг, буюк халқимизнинг совет халқлари қардошлиги оиласида янада фаровон ҳаёти учун бор кучимни сарфлайман, деб ишонтиришимга рухсат бергайсизлар.

Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат М. И. ИБРОҲИМОВ доклади

Ўртоқ халқ депутатлари!

Сессиямиз муҳокамасига «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунининг лойиҳаси киритилмоқда.

Маълумки, яқинда СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди ўз ишини тамомлади. У жамиятимиз қанчалик жадал ривожланиб бораётганлигини кўрсатди. Революцион қайта қуриш шароитида мамлакатимиз бир ойда босиб ўтаётган йўл эволюцион тараққиёт шароитида бир неча йилларни талаб қилган бўлур эди.

Съезд мамлакатда юз бераётган ҳодисаларни чуқур таҳлил қилиб, ғоят муҳим аҳамиятли қарорларни ишлаб чиқди. СССР Конституциясига мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий негизларига таалуқли бўлган ўзгаришлар киритилди. Съезд КПСС Марказий Комитети ташаббуси билан СССР Конституциясининг 6-ва 7-моддаларини янги таҳрирда қабул қилди. У жамият ҳаётини янада демократиялаш, фикрлар хилма-хиллигини қарор топтириш, халқ оммасининг жамият ишларини бошқаришда иштирок этиши учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Коммунистик ва бошқа сиёсий партияларнинг, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ҳаракатларнинг тенг ҳуқуқларга эга бўлиши, КПССнинг социализм ва революцион қайта қуриш мавқеида турувчи барча сиёсий кучлар билан амалий мулоқот қилишга тайёрлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Халқ депутатлари Съезди кенг ижодий баҳслашув вазиятида СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳақида қонун қабул қилди. Президент СССРдаги энг олий мансабдор шахс бўлиб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг фаолиятини бирлаштириб туради.

Съездда кўрсатиб ўтилганидек, Президент ҳокимияти совет федерациясини янгилашга хизмат қилиши, республикаларнинг мустақиллигини кучайтиришда, уларнинг территориал бутунлигини ва конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, миллатлар ўртасида туғилаётган низолар ва тўқнашувларни тезда ҳал этишда катта ижобий роль ўйнаши керак.

Шундай қилиб, СССР халқ депутатлари Съезди қабул қилган қарорлар СССР конституцион тузумининг негизларига таалуқлидир, улар барча совет республикаларининг ҳаётий манфаатларига мосдир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети I сессияда республика Конституциясининг бир қанча бўлимлари ва моддаларини қайта кўриб чиқиши, уларни янгиланган СССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини жорий этишга мувофиқлаштириши керак. Гап энг аввало республика гражданларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг иқтисодиёти ва социал соҳасини жадал ривожлантириш учун зарур кафолатларни Конституция даражасида таъминлаш ҳақида бормоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тегишли қонун лойиҳасини тайёрлади. Лойиҳа сизларда бор. Лойиҳадан кўририб турибдики, Ўзбекистон ССР Конституциясига киритиладиган ўзгаришлар Ўзбекистон ССР Президенти лавозимининг таъсис этилиши билан боғлиқдир.

Президент ҳокимиятини жорий этиш ҳақидаги таклифларни СССР халқ депутатлари ҳам киритишган эди. Иқтисодий ва сиёсий ислоҳотни амалга ошириш, истеъмол бозорини барқарор ҳолатга келтириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун самарали бошқарув воситаси зарурлиги кундан-кунга ойдинлашиб бормоқда.

Мана шу салбий ҳодисаларнинг ҳаммаси маъмурий-буйруқбозлик системасини бузиб ташлаш жараёнида ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришга, интизом ва уюшқоқликка жуда ёмон таъсир кўрсатмоқда, бир қанча ҳолларда эса ижтимоий-сиёсий вазиятнинг издан чиқишига, қайта қуришга қарши кайфиятларнинг жонланишига олиб келмоқда. Омма жадал суръатлар билан сиёсатда қатнашаётган, кўпгина одамлар туғилаётган низоларни маданий, демократик йўл билан ҳал қила олмаётган бир шароитда бундай ҳодисалар, айниқса, хавфлидир.

Ана шундай вазиятда ҳокимиятнинг обрў-эътиборини тўла-тўкис тиклаш, жамиятда ва давлатда самарали, амалий бошқарувни йўлга қўйиш, ҳар бир корхона, ташкилот, граждан қонунни аниқ ва оғишмай бажаришини таъминлаш жуда муҳим бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун ҳам республика Президенти лавозимини жорий этиш ва унга Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг бошлиғи ваколатларини беришни етилган масала деб ҳисобламоғимиз керак.

Ўзбекистон ССРда Президент ҳокимиятини жорий этиш қайта қуриш жараёнлари орқага кетмаслигининг, иқтисодиёт ва маданиятни жадал ривожлантиришнинг, давлат ва жамоат тартибини мустаҳкамлашнинг ишончли гарови бўлади.

Республика Президенти лавозимининг таъсис этилиши қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятларини бир-биридан аниқ ажратиб қўйиш, ҳар бирининг самарадорлигини анча ошириш сари ташланган муҳим қадам бўлади. Шуни ҳисобга олиш керакки, келажакда демократиялаш жараёнлари янада чуқурлашиб борган сари, ўз-ўзини бошқариш асослари, корхоналар ва регионларнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллиги амалга ошган сари барча ижтимоий кучларни жипслаштирувчи кучли Президентлик ҳокимиятининг аҳамияти ортиб боради.

Бизнинг республикамизда Президентлик ҳокимияти мураккаб вазиятда таъсис этилмоқда. Қайта қуриш, ошкоралик халқ хўжалигини ривожлантиришда, аҳолига зарур турмуш шароитларини яратиб беришда кўпгина мураккаб, ҳал қилинмаган муаммолар борлигини очиб ташлади. Мана шу асосда айрим вилоятларда ижтимоий-сиёсий вазият издан чиқди. Жумладан, миллатлараро негизда қонунни бузиш ҳоллари кўпайди. Халқ чайқовчилик қиринишларининг, савдодаги, уй-жой бериш ва камёб молларни тақсимлашдаги бемаънигарчиликларнинг зудлик билан пайини қирқишни талаб қилаяпти. Буларнинг барчаси Президент лавозимини кечиктирмасдан жорий этишни талаб қилмоқда. Сизнинг муҳокамангизга Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президентини истисно тариқасида республика Олий Советининг ушбу сессиясида сайлаш ҳақида таклиф киритилмоқда.

Қонун лойиҳасидан кўриниб турганидек, кейинчалик Ўзбекистон ССР Президентини республика гражданлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш йўли билан яширин овоз бериб беш йилга сайлайдилар. Президент вазифани бажаришга киришиш чоғида Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисида қасамёд қилади.

Президент Ўзбекистон ССР гражданларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, Ўзбекистон ССР Конституцияси ва қонунларига риоя қилинишига кафил бўлади. У мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон ССРнинг вакили бўлади.

Сизнинг эътиборингизга таклиф этилаётган Қонун лойиҳаси Ўзбекистон ССР Президенти зиммасига юклатилган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш учун зарур ваколатларни батафсил белгилаб қўяди. Унга Ўзбекистон ССР қонунларини имзолаш, зарур ҳолларда эса қонун лойиҳаларини такрор муҳокама қилиш ёки овозга қўйиш учун ўз эътирозларини билдирган ҳолда уларни Ўзбекистон ССР Олий Советига қайтариш ваколати берилган. Борди-ю, Олий Советдаги овозларнинг учдан икки қисми илгари қабул қилган қарорни тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди. Ҳукумат қарорлари Конституция ва қонун талабларига мос келмаса, Президент уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриши мумкин.

Ваколатларнинг бошқа бир туркуми республика давлат органларини тузишга тааллуқлидир. Президент Ўзбекистон ССР Олий Советига тайинлаш, тасдиқлаш ёки сайлаш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисини, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раисини, Ўзбекистон ССР Олий судининг раисини, Ўзбекистон ССРнинг Бош давлат ҳакамини тақдим этади. Олий суднинг раисидан бошқа мана шу мансабдор шахсларнинг ҳаммасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Президентининг тавсияси билан ҳам эгаллаб турган лавозимидан озод қилади.

Президентнинг бошқа вазифалари ҳам бўлади. Булар — мукофотлаш ва Ўзбекистон ССР фахрий унвонларини беришдан, Ўзбекистон ССР гражданлигига қабул қилиш тўғрисидаги, бошпана бериш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилишдан, шунингдек, Ўзбекистон ССР судлари томонидан ҳукм қилинган гражданларни авф этишдан ҳам иборатдир.

Президентлик Кенгаши муҳим давлат вазифаларини бажариши назарда тутилмоқда. Президентлик Кенгашининг аъзолари Президент томонидан тайинланади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўз лавозимига кўра Кенгаш ҳайъатига киради. Кенгаш мажлисларида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси қатнашиши мумкин. Шундай қилиб, Президентлик Кенгаши республиканинг раҳбар органлари белгилайдиган йўлни амалга оширишда ғоят муҳим роль ўйнайди, иқтисодий ва социал ривожланиш масалаларини, миллатлараро ва бошқа ҳар қандай низоларни тез, ғайрат-шижоат ва билимдонлик билан ҳал қилади, дейиш учун ҳамма асосларга эгамиз.

Ўртоқ халқ депутатлари!

Президентга Ўзбекистон ССР Конституциясининг махсус бобини бағишлаш назарда тутилаётганлигига эътибор берган бўлсангиз керак. Бу бобда Президентни сайлаш тартиби, унинг ваколатлари ва масъулияти, бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлари белгилаб қўйилади. Бу ваколатнинг энг муҳими шундан иборатки, Президент давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари бир-бирлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишини таъминлаши керак. Президентнинг мана шундай мувофиқлаштирувчи фаолияти унинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади. Бу ҳол бутун давлат механизми ишининг самарадорлигини анча ошириш имконини беради.

Ўзбекистон ССР Президенти лавозими таъсис этилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети ва унинг Президиумининг ҳуқуқий мақоми анча ўзгаради. Республика Олий Совети ишига унинг Раиси раҳбарлик қилади. Олий Совет бутун диққат-эътиборни қонун чиқариш фаолиятига ва ўзига ҳисобот берувчи органларни назорат қилишга қаратади. Олий Совет Президиуми масаласига келганда шуни айтиш керакки, унинг зиммасига Ўзбекистон ССР Олий Советининг ишини ташкил этиш, Олий Совет сессияларини тайёрлаш, унинг доимий комиссиялари фаолиятини уйғунлаштириш вазифаси юкланади. Бундан ташқари, Президиум зиммасига қонун лойиҳалари ҳамда давлат ҳаётининг бошқа муҳим масалаларини халқ муҳокамасига қўйишни ташкил этиш вазифаси юкланади.

Президиумнинг ҳайъати ҳам ўзгартирилади. Унинг ҳайъатига Олий Совет Раисининг ўринбосарлари, доимий комиссияларнинг раислари кирадилар.

Шундай қилиб, республикамизда Президент лавозимининг жорий этилиши қайта қуриш энг мураккаб паллага кирган бир вақтда давлатни такомиллаштиришнинг таркибий қисми бўлмоқда. Ўзбекистон ССР Президенти лавозимининг таъсис этилиши ҳокимият механизмининг самарадорлигини, барқарорликни, қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни кескин ошириш воситаси бўлади. Бу шубҳасиз.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Президенти лавозимининг таъсис этилиши шахсий ҳокимият тузуми кучайишини англатмаслигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон ССР Олий Советининг, Конституцион назорат комитетининг ҳуқуқлари, ваколатлари тўғрисида батафсил гапирилади. Улар президентлик ҳокимиятини мувозанатга келтириб турувчи ўзига хос восита вазифасини бажаради.

Олий Совет — қонун чиқарувчи, ҳукумат эса — ижро этувчи бошқарувчи орган бўлиб қолади. Президент — қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятни бир-бирига боғлаб турувчи мустаҳкам бўғинга айланади. Президентлик ҳокимияти биринчи навбатда чиқарилаётган қонунлар ва қарорлар фаол бажарилиши, қоғозда қолиб кетмасдан амал қилиши учун таъсис этиляпти, дейиш мумкин.

Президент лавозими таъсис этилгач, республика ҳукумати янада самаралироқ ишлай бошлайди. Амалга оширилаётган тадбирларнинг натижаси учун масъулияти ошади. Қонун лойиҳасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети эндиликда ҳар йили ўз фаолияти ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳисобот бериши, шунингдек, Президентни мунтазам хабардор қилиб бориши керак бўлади. Ўзбекистон ССР Президенти республика министрларини, Давлат комитетларининг раисларини тайинлайди, сўнгра бу қарорларни Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиғига киритади. Президент Ўзбекистон ССР Олий Советида Ўзбекистон ССР Министрлар Советини истеъфога чиқариш масаласини қўйиши ҳам кўзда тутилган.

Кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум Ўзбекистон ССР Конституциясидаги 6-, 7-ва 49-моддаларнинг таҳририни ўзгартириш тўғрисидаги қонун чиқариш ташаббуси билан Ўзбекистон ССР Олий Советига кириш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилди. Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳақида таклиф киритди.

Асосий Қонуннинг 6-моддасида Ўзбекистон Коммунистик партияси, бошқа сиёсий партиялар, шунингдек, касаба союз, ёшлар ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ҳаракатлар халқ депутатлари Советларига сайланган ўз вакиллари орқали ҳамда бошқа шаклларда Совет давлатининг сиёсатини амалга оширишда, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашадилар, деб ёзиб қўйишга келишилди.

Лойиҳанинг 7-моддасида барча сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар ўз программалари ва уставларида кўзда тутилган вазифаларни бажарган вақтларида Ўзбекистон ССР Конституцияси ва совет қонунлари доирасида иш олиб боришлари айтилди.

Совет Конституцион тузумини ва социалистик давлатнинг яхлитлигини зўрлик йўли билан ўзгартиришни, унинг хавфсизлигини путурдан кетказишни, социал, миллий ва диний нифоқни авж олдиришни мақсад қилиб қўйган партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатларнинг тузилишига ва фаолият кўрсатишига йўл қўйилмаслиги алоҳида кўрсатилди.

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 6- ва 7-моддаларини янги таҳрирда қабул қилиш замон талабига бутунлай мосдир. Уларнинг мазмуни СССР халқ депутатлари Съездида аниқ билдирилган фикрга мос келади. Шу билан бирга бу моддаларда социализмга қарши чиқишга ҳаракат қилаётган, демократия деганда бебошликни тушунаётган, эркин фикр билдиришни сафсатабозлик ёки экстремизм билан адаштираётган масъулиятсиз унсурлар жиддий огоҳлантирилади.

Ҳурматли халқ депутатлари! «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг асосий қоидалари қисқача айтганда ана шундай

Ўзбекистон ССР Конституциясига таклиф қилинаётган ўзгаришларни Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, барча меҳнат коллективлари ва гражданлар қўллаб-қувватлайдилар, уларнинг куч-ғайратлари билан бу ўзгаришлар амалга ошади, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз. Буни биз республикамиз олдида турган мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг кафолати, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссиясининг раиси депутат Ш. М. МИРЗИЁЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг бўлиб ўтган сайлови Ўзбекистон ССР сиёсий системаси ислоҳотининг муҳим босқичларидан бирига якун ясади. Юз минглаб сайловчилар номзодларни кўрсатишда, сайловолди мунозараларида ғоят манфаатдорлик билан иштирок этдилар. Сайлов қайта қуриш жараёнига уйғун қўшилиб, уни қўллаб-қувватлашда умумхалқ референдумига айланди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг 23 кишидан иборат қилиб сайланган Мандат комиссияси Ўзбекистон ССР Конституциясининг 104-моддасига амал қилиб, 1990 йил 18 февраль ва 4 март кунлари сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ваколатларини текширди ва мазкур иш натижаларини сизнинг эътиборингизга ҳавола қилади.

Ўзбекистон ССР Конституциясига, сайлов тўғрисидаги Қонунга мувофиқ 500 та сайлов округида халқ депутатлари сайлови ўтказилди. Сайлов округларида Ўзбекистон ССР Конституциясига ва сайлов тўғрисидаги Қонунга мувофиқ сайлов ўтказилиши учун зарур шароитлар яратилди.

Маълумки, янги Қонунга биноан депутатликка номзодларни кўрсатиш борасида меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг имкониятлари кенгайтирилди. Бу ҳуқуқ биринчи марта сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги йиғилишларига берилди. Кўрсатилган номзодларни, уларнинг сайловолди программаларини муҳокама қилиш ва номзодларни рўйхатдан ўтказишга тавсия этиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши учун 30 та сайлов округида округ сайловчилари вакилларининг конференциялари ўтказилди. Сайловолди тадбирлари асосан рўй-ростлик ва ошкоралик вазиятида ўтди. Сайлов куни сайлов участкаларида, сайлов комиссияларининг мажлисларида овозларни ҳисоблаб чиқиш ва сайлов натижаларини аниқлаш чоғида депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари, меҳнат коллективларининг, жамоат ташкилотларининг намояндалари, оммавий ахборот ходимлари ҳозир бўлдилар. 500 та мандатга жами 1490 киши халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Депутатликка номзодлардан 129 киши сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги йиғилишларида кўрсатилди. Шундай қилиб, реал муқобил сайлов тажрибасига асос солинди. 1134 киши Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мандат комиссияси ўзига тақдим этилган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисидаги сайлов комиссияси протоколларини, уларнинг тегишли округларда овозга қўйилишга розилиги тўғрисидаги аризаларини текшириб, барча номзодларнинг рўйхатга олиниши қонуний, деб ҳисоблайди. Марказий сайлов комиссиясида сайлов комиссияларининг протоколлари асосида сайлов якунларига кўра сайланган 463 депутат рўйхатдан ўтказилди.

Сайловга якун ясаб, Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари умуман сайловнинг Конституция ва сайлов тўғрисидаги қонун талабларига мувофиқ ўтказилишини таъминлаганликларини таъкидлаб ўтиш зарур. Айни бир вақтда Мандат комиссияси Марказий сайлов комиссияси унинг фаолияти даврида 530 тадан ортиқ хат ва телеграмма келганини ҳамда икки мингдан ортиқ граждан сайловни уюштириш масалалари хусусида қабулда бўлганлигини Ўзбекистон ССР Олий Советига маълум қилиш зарур, деб ҳисоблайди. Гражданлар сайлов комиссиялари ишидан, номзодларни кўрсатишнинг уюштирилишидан қониқмаганликларини айтдилар.

Марказий сайлов комиссияси номзодларнинг сайловолди тадбирларида тенг бўлмаган шароитда қатнашганликлари тўғрисидаги, номзодларнинг, уларнинг ишончли вакилларининг бир-бирларига қўпол муносабатда бўлганликлари ҳақидаги, сайловчиларга тазйиқ ўтказишга уринишлар тўғрисидаги шикоятларни ҳам кўриб чиқди. Айрим сайлов округларида сайловга тайёргарлик бир ёқлама тарзда ёритилганига эътибор қаратилди.

Мандат комиссияси Марказий сайлов комиссиясининг унинг номига тушган аризалар ва шикоятларни текшириш натижалари тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқди. Марказий сайлов комиссияси 168-Фурқат сайлов округида сайлов натижаларини шубҳа остига қўйувчи қонун бузишлар бўлганини аниқлади. Бу округдаги сайлов ҳақиқий эмас, деб топилди. Мазкур округда сайлов қайтадан ўтказилади.

Комиссия Ўзбекистон ССРнинг 463 нафар халқ депутати ваколатини эътироф этиш мумкин, деб ҳисоблайди. Ана шу депутатларни тегишли округларда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг зарур миқдори — яъни 50 фоиздан ортиғи сайлади.

17 миллат вакили Ўзбекистон ССР халқ депутатлари этиб сайланди. Барча халқ депутатларидан 84,6 фоизи биринчи марта республика давлат ҳокимиятининг олий нуфузли органига сайланган, 434 халқ депутати ёхуд 93,7 фоизи КПСС аъзоси ёки аъзолиққа номзоддир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети республика аҳолисининг ижтимоий-ҳунар структурасини етарлича тўла акс эттиради. Олий Совет таркибида — 105 халқ депутати ёки 22,6 фоизи саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимларидир. 111 халқ депутати ёки 23,9 фоизи қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларидан иборат. Орамизда 93 депутат ёки 20 фоизи — ишчи ва оддий колхозчилар, яъни ўз меҳнати, аниқ ишлари билан жамиятимизни янгилаш программасини амалга ошираётган кишилардир.

Сайловчилар 18 та депутат мандатини ёки 3,8 фоизини илмий ва ижодкор зиёлилар вакилларига топширдилар. Депутатлар орасида 301 киши ёки 65 фоизи 30 ёшдан 50 ёшгача, 18 депутат 30 ёшга етмаган кишилардир, 47 нафар халқ депутати ҳотин-қизлардир.

Давлат ҳокимияти олий органига сайланган депутатларнинг билим даражаси қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади. 372 халқ депутати ёки 80,3 фоизи олий ва тўлиқсиз олий маълумотга, депутатларнинг еттидан бир қисми илмий даражага ёки илмий унвонга эга, шу жумладан 4 нафари академик, 91 депутат ёхуд 19,6 фоизи умумий ўрта ёки ўрта маҳсус маълумотга эга.

Халқ депутатлари орасида 38 киши ёки 8,2 фоизи саноат бирлашмалари ва корхоналарининг раҳбарлари, 55 киши ёки 11,8 фоизи колхозлар, совхозлар, агросаноат бирлашмаларининг раҳбарларидир. Депутатлар орасида 36 киши фан, олий мактаб, маориф, 20 киши халқ соғлиғини сақлаш, 9 киши маданият ва санъат, 7 киши оммавий ахборот воситаларининг ходимларидир. Халқ депутатлари орасида 90 нафар (19,4 фоиз) партия ходими бор. Ўзбекистон ССР қуролли кучларидан 7 киши халқ депутати бўлди.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари таркиби давлат ҳокимияти янги олий органларининг самарали ишлаши имкониятини таъминлайди.

Ўртоқлар! Олий Совет Мандат комиссияси Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ана шу юксак номни шараф билан оқлаб, халқ депутатлари олдига қўйилган талабларга жавоб берадилар, деб ишонч билдиради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Жойларда тартибни таъминлаш, халқ хўжалиги тармоқларининг узлуксиз ишлаши учун нормал шароит яратиш, маҳаллий аҳамиятга молик турли масалаларнинг аҳоли томонидан кўриб чиқилиб, мустақил ҳал этилиши мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қабул қилиб, қишлоқлар, қўрғонлар ва аҳоли яшайдиган бошқа манзилгоҳлар аҳолиси вакилларининг кенгашлари тўғрисидаги Муваққат низомни тасдиқлади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетлари, район ва шаҳар ижроия комитетларига ушбу Низомни халқ депутатлари қишлоқ ва қўрғон Советларининг ижроия комитетларига, хўжаликлар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига етказиш ва уни амалга оширишни таъминлаш топширилди.

ҚИШЛОҚ, ҚЎРҒОН ВА АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН БОШҚА МАНЗИЛГОҲЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ КЕНГАШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

МУВАҚҚАТ НИЗОМ

1. Жойларда тартибни таъминлаш, халқ хўжалиги тармоқларининг узлуксиз ишлаши учун нормал шароит яратиш, маҳаллий аҳамиятга молик турли масалаларнинг аҳоли томонидан кўриб чиқилиб, мустақил ҳал этилиши мақсадида қишлоқлар, қўрғонлар ва аҳоли яшайдиган бошқа манзилгоҳлар аҳолиси вакилларининг маҳаллий жамоатчилик фикрини ифодалайдиган кенгашлари тузилади.

2. Аҳоли вакилларининг кенгашлари СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституцияси, СССР қонунлари ва Ўзбекистон ССР қонунлари доирасида ишлайди ва ўзини сайлаган органлар олдида ҳисоб беради.

3. Аҳоли вакилларининг кенгашлари гражданларнинг истиқомат жойларидаги умумий йиғилишларда ва йиғинларда тузилади ҳамда ўз фаолиятини халқ депутатлари маҳаллий Советлари, жамоат, кооператив ташкилотлари, территориал-тармоқ бошқарув органлари, аҳоли ижтимоий ҳаваскорлиги бошқа маҳаллий органлари, шунингдек, гражданларнинг истиқомат жойларидаги умумий йиғилишлари, йиғинлари орқали амалга оширади.

Аҳоли вакилларининг кенгашлари икки йил муддатга тузилади. Ваколат муддати тугагунча гражданларнинг истиқомат жойидаги умумий йиғилиши ёки йиғини қарорига биноан вакилларнинг кенгашлари қисман ёки тўлиқ қайта сайланиши мумкин.

4. Аҳоли вакилларининг кенгашларига ҳар 100 кишидан 1 киши сайланади. Овозларнинг ярмидан кўпини олган кишилар сайланган ҳисобланади. Аҳоли вакиллари кенгаши сайланганидан кейин унинг шахсий состави халқ депутатлари маҳаллий Совети томонидан рўйхатга олинади.

5. Аҳоли вакилларининг кенгаши ўз сафида аҳолининг ҳамма табақаларини бирлаштиради ва аҳоли орасида муносиб обрў қозонган энг яхши кишилардан иборат бўлади (улар халқ депутатлари маҳаллий Советларнинг, партия ва бошқа жамоат ташкилотларининг, руҳонийларнинг вакиллари бўлиши мумкин).

6. Аҳоли вакиллари кенгашининг фаолияти маънавий-ҳуқуқий тарбияга, пайдо бўлаётган масалалар юзасидан оқилона ва вазмин қарорлар қабул этилиши учун вазият яратишга қаратилган бўлиши ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга кўмаклашиши лозим.

7. Аҳоли вакилларининг кенгаши вужудга келган маҳаллий аҳамиятга молик мажбурий масалаларни ўз ваколатларига мувофиқ халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан биргаликда ҳал қилади.

8. Советларга чегарадош территорияларнинг аҳолиси манфаатларига дахлдор масалалар халқ депутатлари тегишли Советлари билан биргаликда ҳал этилади.

9. Аҳоли вакилларининг кенгаши маҳаллий аҳолида вужудга келаётган масалаларни ҳал қилиш учун зарурат туғилган тақдирда 3—5 кишидан иборат ўз вакилларини тегишли идораларга юборади.

10. Аҳоли вакилларининг кенгаши жамоат тартиби бузилган ва низоли вазиятлар вужудга келган тақдирда гражданларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириши лозим.

ОГАҲИЙ—ШОИР, ТАРИХЧИ, ТАРЖИМОН

Муҳаммад Ризо Огаҳий ўзининг бой ва ранг-баранг ижоди билан ўзбек классик адабиётига кириб келди. Унинг адабий мероси 22 асардан иборат бўлиб, уларнинг қўлёзмалари мамлакатимизнинг илмий хазиналарида сақланмоқда. Огаҳий классик шеъриятнинг инсонпарвар йўналишини ривожлантириб, уни ўз замонасининг илғор фикрлари билан бойитди. У авлодлар хотирасида ёзувчи бўлибгина эмас, айни вақтда тарихчи ва таржимон бўлиб ҳам қолган. Хоразмнинг 1839 йилдан 1872 йилгача бўлган солномаси унинг қаламига мансуб бўлиб катта тарихий аҳамиятга эгадир. Ажойиб сўз устаси таваллуд топган куннинг 180 йиллигига бағишлаб Тошкентда ўтказилган тантанали кечада шу ҳақда гапирилди.

Огаҳий истеъдодининг мухлислари, шоирлар ва адиблар, шаҳар жамоатчилигининг намояндалари, шоир Ватани — Хоразм вакиллари Навоий номли театрга йиғилдилар.

Кечани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг биринчи котиби Одил Ёқубов очди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодини таърифлаб берди. Сўзга чиққан шоир Эркин Самандаров, «Ёшлик» журналининг бош муҳаррири Омонбой Матчонов, Хоразм областидаги Огаҳий номли колхоз раиси Отаназар Пирназаров, бастакор Матниёз Юсупов адиб ижодининг аҳамияти шу кунларда ҳам барқ уриб турганлиги ҳақида гапирдилар, Огаҳий асарларининг ижтимоий йўналиши юксаклигини таъкидладилар.

Нотиқлар Огаҳийнинг лирик шоир сифатидаги ижоди ўзига хослигини таъкидлаб, унинг «Севги тумори» девонида тўпланган назмий меросини эслатиб ўтдилар. Бу девонда у Алишер Навоий, Низомий, Ҳофиз ва ўзидан олдин яшаб ўтган бошқа шоирлар анъаналарига яқинлашган. Огаҳийнинг ғазаллари хусусида алоҳида гапирилди. Уларда адиб ўзини беназир назм устаси сифатида намоён этган. Сўзга чиққанлар Огаҳий ижодий меросининг бадиий таржима билан боғлиқ томони хусусида ҳам тўхталиб ўтдилар. Унинг таржимонлик фаолияти туфайли китобхонлар Шарқ шеъриятининг нодир намуналари — Низомийнинг «Етти гўзал», Деҳлавийнинг «Саккиз жаннат», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», «Боғу баҳор», «Соломон ва Абсол» асарлари билан танишдилар.

Шу билан бирга, дейишди кеча иштирокчилари, Огаҳий ижодий мероси маънавий жиҳатдан бебаҳо эканлигига қарамай, у кенг китобхонлар оммасига яхши таниш эмас. Шу ўқув йилига қадар сўз устасининг ижоди мактабларда ўқитилмас эди, фақат шу йилдан унинг ижодини ўрганиш учун адабиёт дарсларида уч соат ажратилди. Шоир асарларини рус тилига таржима қилиш иши ҳам ёмон аҳволда — улар ҳали амалда таржима қилинмаган. Нотиқлар Огаҳий туғилган куннинг 180 йиллиги шарафига ўтказилган юбилей тантанаси расмий тадбир бўлиб қолмасдан, ўзбек адабиёти классигининг ижодини ўрганишда янги, самарали босқичнинг муқаддимасига айланиши лозимлигини таъкидладилар.

Хоразм ва Ўзбекистон пойтахти артистлари иштирокидаги санъат усталарининг концерти кеча расмий қисмининг давоми бўлди.

Кечада Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков иштирок этди.

(ЎзТАГ).

СССР Президентининг Фармонини ижро этиш юзасидан

СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари учинчи Съездининг 15 мартдаги қарорига ва СССР Президенти М. С. Горбачевнинг «Литва ССР территориясидаги совет гражданларининг ҳуқуқларини таъминлаш, ССР Иттифоқининг суверенитетини муҳофаза қилиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ СССР Ички ишлар министрлигида тегишли буйруқлар чиқарилди, улар Литва ССР ички ишлар органларининг шахсий составига етказилди.

Литва ССРдаги вазиятни назорат қилишга ва назоратнинг ўзгаришига қараб иш тутишга оид энг муҳим тадбирлар режаси амалга оширилмоқда. Иттифоқдош республикага министрлик ходимлари гуруҳи юборилди, Вильнюсда СССР Ички ишлар министрлигининг матбуот маркази ташкил этилди. СССР Ички ишлар министрлигининг вакиллари қуролни олишда, жиноятларни очиш ва тергашда, жамоат тартибини муҳофаза қилишда маҳаллий милиция органларига ёрдам беришга киришдилар.

Умумиттифоқ аҳамиятига молик муҳим объектларни қўриқлашни кучайтириш чоралари амалга оширилди. Автомобиль йўлларида, шу жумладан чегара районларида давлат автомобиль инспекциясининг нарядлари, доимий постлари ва ҳаракатчан экипажлари кучайтирилди.

Самолёт йўловчиларини, уларнинг юки ва қўлидаги буюмлари белгиланган тартибда текширилмоқда, темир йўл транспортида юкларни ва қурол ташиши мумкин бўлган шахсларни назорат қиладиган оператив гуруҳлар тузилди.

Аҳоли орасида ўқ отиш қуролини ихтиёрий равишда вақтинча топшириш юзасидан тушунтириш иши кучайтирилмоқда.

Ички ишлар органлари ташкилотлар ва муассасаларда 5,5 мингта ўқ отиш қуролини олиб, сақлаш учун топширди.

СССР Ички ишлар министрлигининг матбуот маркази.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида Илмий, инженер ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш комиссияси тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда жумладан, бундай дейилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида Илмий, инженер ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш комиссияси тузилсин.

Комиссия иш аппаратининг раҳбари айни вақтда унинг масъул котиби эканлиги белгилаб қўйилсин.

Комиссиянинг асосий вазифаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурини тузиб чиқишдан ва уни амалга ошириш ишларини уюштиришдан, умумий таълим мактабидан бошлаб юқори малакали кадрларни аниқлаш, танлаш ва тарбиялаш воситасини вужудга келтиришдан иборат, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Илмий, инженер ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш комиссияси тўғрисидаги Низомни икки ҳафта муддатда тайёрлаб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига тақдим этсин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ, ИНЖЕНЕР ВА БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА ДОИР ИШЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИНИНГ ҲАЙЪАТИ

1. Воҳидов Ш. А. — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси (раис)
2. Абдуллаев Ф. Ҳ. — физика-математика фанлари доктори (Ўзбекистон ССР Фанлар академияси иссиқлик физикаси бўлими)
3. Асқаров А. А. — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг аъзоси
4. Алимов Ш. О. — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри
5. Аюпов Ш. А. — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Математика институти директорининг ўринбосари
6. Бурхонов С. — биология фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Биохимия институтининг катта илмий ходими
7. Ғуломов К. Ғ. — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, «Қуёш физикаси» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори
8. Ғуломов С. С. — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректори
9. Жалилов А. Т. — техника фанлари доктори, ТошПИ ректори
10. Жонибеков В. А. — СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ депутати
11. Журавлев В. Н. — В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори
12. Исроилов З. З. — физика-математика фанлари номзоди, республика «Ниҳол» илмий марказининг директори
13. Исҳоқов И. И. — Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раисининг ўринбосари
14. Қобулов В. Қ. — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори
15. Қорабоев М. Қ. — техника фанлари доктори, Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг секретари
16. Каримов Р. И. — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитетининг раиси
17. Маҳмудов А. С. — «Алгоритм» заводининг директори
18. Нажмиддинов А. Ҳ. — техника фанлари номзоди, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети фан-техника тараққиёти бўлимининг мудири
19. Носиров П. Ҳ. — иқтисод фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Иқтисодиёт институти бўлимининг мудири
20. Носиров А. Н. — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари
21. Нурали Қобул — ёзувчи, «Юлдузча» нашриётининг директори
22. Ражабов Т. Д. — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий асбобсозлик марказий лойиҳа-конструкторлик технология бюросининг директори
23. Рашидов Т. Р. — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, СССР Илмий ва инженерлик жамиятлари уюшмаси Ўзбекистон республика ташкилотининг раиси
24. Саидов А. — ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, Ўзбекистон комсомоли ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси
25. Салоҳиддинов М. С. — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти
26. Сафоев С. С. — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Мафкура бўлими секторининг мудири
27. Тешабоев Ф. Т. — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Хорижий алоқалар секторининг мудири
28. Умархўжаев М. И. — филология фанлари доктори, Андижон чет тиллар педагогика институтининг ректори, СССР халқ депутати
29. Утениёзов К. У. — доцент, Нукус давлат дорилфунунининг ректори
30. Файзуллаев А. А. — психология фанлари номзоди, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети малака ошириш институти психология кафедрасининг мудири
31. Холмуродов А. Ғ. — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти
32. Ҳусаинов Р. З. — «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори
33. Юсупбеков Н. Р. — техника фанлари доктори, «Тошкент машинасозлик институти» тажриба-ўқув илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ректори
34. Юсупов К. Ю. — Ўзбекистон ССР халқ таълими министри
35. Юсупов Э. Ю. — СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, В. И. Ленин номли ТошДУ ректори
36. Юсупов А. А. — «Зенит» заводининг директори
37. Ёрмуҳамедов Ш. Я. — физика-математика фанлари доктори, Алишер Навоий номли Самарқанд давлат дорилфунунининг декани
38. Ҳошимов Ў. — «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири
39. Мелкумов А. Н. — «Совпластитал» қўшма ишлаб чиқариш корхонасининг бош директори

СССР Прокуратурасида

Литва ССР Олий Совети 1990 йил 22 март куни республика прокуратураси тўғрисида СССР Конституциясига зид қарор қабул қилганлиги муносабати билан СССР Прокуратураси СССР Бош прокурори вазифасини бажарувчи А. Д. Васильевнинг имзоси билан қуйидаги мазмунда телеграммалар юборди:

«Литва ССР прокурори В. Ю. БАРАУСКАСГА

Сизнинг Литва ССР прокурори ваколатларингизни тасдиқлайман.

СССР халқ депутатларининг учинчи Съезди қарорига биноан Литва ССР Олий Совети қабул этган «Мустақил Литва давлатини тиклаш тўғрисида»ги, Литва территориясида Литва ССР Конституцияси билан СССР Конституциясининг амал қилишини бекор этиш ҳақидаги қонун актлари ҳақиқий эмас, деб топилган эди. СССР Конституциясининг 166-моддасига хилоф равишда республика прокурорини тайинлаш тўғрисидаги ҳар қандай қарорлар ғайриқонунийдир ва ижро этилмаслиги керак.

Сиздан ва сизга бўйсунувчи прокурорлардан СССР Конституциясининг 168-моддасига биноан ҳар қандай маҳаллий органлардан мустақил равишда, фақат СССР Бош прокурорига бўйсуниб, республика территориясида қонунларнинг ижро этилиши устидан олий назоратни амалга ошириш соҳасидаги ўз вазифаларингизни оғишмай ижро этаверишни талаб қиламан».

* * *

«Литва ССР Олий Советининг Раиси В. В. Ландсбергисга

Маълум бўлишича, Литва ССР Олий Совети 1990 йил 22 мартда республика прокурорини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилган.

СССР Конституциясининг 166-моддасига ва «СССР прокуратураси тўғрисида»ги СССР Қонунининг 7-моддасига биноан иттифоқдош республикаларнинг прокурорлари СССР Бош прокурори томонидан тайинланади, шу сабабли Литва ССР Олий Советининг қарори ғайриқонунийдир ва бажарилмаслиги керак.

Сизга шуни маълум қиламанки, мен республика прокурори В. Ю. Бараускасдан ва унга бўйсунувчи прокурорлардан СССР Конституциясининг 168-моддасига биноан ҳар қандай маҳаллий органлардан мустақил равишда, фақат СССР Бош прокурорига бўйсуниб, республика территориясида қонунларнинг ижро этилиши устидан олий назоратни амалга ошириш соҳасидаги ўз вазифаларини оғишмай ижро этаверишни талаб қилдим.

Прокурорлар ўзларининг қонуний вазифаларини амалга оширишларига қаршилик қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар қонунийликни жуда қўпол бузиш, совет тузумининг Конституцион асосларига қасд қилиш, деб ҳисобланади».

ТАСС ахбороти

Литва ССР Олий Совети Литва ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетини тугатиб, уни Литва телевидениеси ва радиосига айлантириш тўғрисида қонун қабул қилди. Республика телевидение ва радиоэшиттириши СССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети таркибидан чиқарилди ва Литва ССР Олий Совети тайинлайдиган ҳайъатга бўйсундирилди.

Маълумки, мамлакатда ягона давлат марказлаштирилган радио ва телевидениеси вужудга келтирилган ҳамда ишлаб турибди, у барча иттифоқдош республикалардаги кўп миллионли телетомошабинлар ва радиотингловчиларнинг манфаатлари ҳамда талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиш имконини беради. Бу системанинг нормал ишлаши марказий радиоэшиттириши ва телекўрсатуви олиб борилишини таъминлашни назарда тутади, бу эса республика телевидение ва радиоэшиттириш идораларининг ҳам муҳим вазифалари ҳамда мажбуриятларидан биридир.

СССР Министрлар Совети Литва ССР Министрлар Советининг диққат-эътиборини мамлакатда амалда бўлган тартибга қаттиқ риоя этиш зарурлигига қаратади.

Ўлкамиз бўйлаб шахдам қадамлар билан баҳор одимламоқда. Мовий осмонимизда қуёш чарақлаб турибди. Ўриклар қийғос гуллади. Шафтолиларнинг бинафша гуллари чароғон кундуз зиёсига зиё қўшмоқда. Жилғаларда югуриб оқаётган сув қирғоқларида ялпизлар бўй тараттяпти. Турналар арғимчоқ солиб ўтмоқдалар.

Баҳорий бу тозариш одамлар қалбида ҳам тоза ва соф туйғулар, пок ниятлар уйғотди. Бободеҳқон қадрдон даласига чиқди. Қўй-қўзилар маъраши-дан ҳаёт нафаси кезаётган ямяшил яйловларга чўпон изи тушди. Наврўзи олам қувончи республикамиз аҳолисининг катта-ю кичик барчасининг қалбига сурур ва ғурур улашди.

Жиззах вилоятида қад кўтарган пахтакор шаҳридаги улкан стадионда эса Наврўз Баҳорхоним, Деҳқон бобо, Момо ер либосида кийинган кишилар қиёфасида намоён бўлди. Жиззахликлар отаболоримизнинг яна бир қадимий удумига риоя қилиб, уч тупдан кўчат ўтқаздилар. Кўчат ўтқазиб боғ яратиш барча вилоятларда каттаданкичикка завқ бағишлади.

Наврўз тантаналарига Самарқандликларни Шердор ва Улуғбек мадрасалари минораларидан янграган мусиқа садолари чорлади. Самарқандда инсон хотирасига алоҳида иззат-икром кўрсатишади. Шунинг учун ҳам шаҳарликлар сайлга чиқиш олдидан қабристонларни зиёрат қилишиб, марҳумлар хотирасига таъзим қилдилар, қариялар ва ёлғиз кишиларни совға-саломлар билан йўқлашиб, ҳурмат кўрсатдилар. Шундан сўнг шодиёналар шаҳар кўчаларидан оқиб, барча ноҳияларда ва Ургут қиларида ўтказилаётган байрам тантаналарига қўшилиб кетди.

Қашқадарё вилоятида Наврўз рамзи Баҳорхоним ўтган кўчалар, боғлар, дала ва қирлар узра баҳор қуёши чарақлаб нур сочди.

Баҳор айёми Фарғона вилоятида яна бир қадимий удум—бирлик, дўстлик ва биродарлик тимсолида намоён бўлди. Фарғона, Ленинобод ва Ўш вилоятларига чегарадош Ўзбекистон районининг Ўқчи қишлоғида уч республика вакиллари Дўстлик боғига тамал тоши қўйишди. Андижонликлар асрлар оша эъзозлаб келинаётган ана шундай анъаналардан яна бирининг шоҳиди бўлишди. Пахтаобод ноҳияси марказидаги маданият ва истироҳат боғида қўшни райондан келган қирғизистонлик курашчилар билан беллашув холис ва қизғин ўтди.

Наврўз айёмини наманганликлар бу йил таваллудининг 330 йиллиги кенг нишонланаётган ҳамюртлари, исёнкор шоир Бобораҳим Машраб хотирасини абадийлаштириш тадбирларидан бошладилар. Шаҳарда янги ташкил этилаётган боғга улуғ шоир номи берилди. Эътиборга сазовор жойи шундаки, ёдгорлик боғида шоир қадами етган Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Эрон каби мамлакатлар гўшалари ташкил этилади.

Сирдарёликлар Наврўз шоҳ таоми сумалак тайёрлашга алоҳида эътибор беришди. Арафа куни кечаси вилоятдаги барча колхоз ва совхозларда, дала шийпонларидаги сумалак қозони атрофида тонг отгунча давом этган ўйин-кулги, қўшиқ ва рақс кундузги байрам томошалари — оммавий сайл ва кўпкарига қўшилиб кетди.

Байрам куни магазин пештахталарида сумалак тарқатиш уюштирилганлигини кўрган хоразмликлар бу янгилик биринчи бор амалга оширилаётганини сезмай қолмадилар, албатта.

Албатта, Наврўзни сумалаксиз тасаввур этиб бўлмайди. Халқимизда энг яқин ога-иниларнинг, қариндошлар, ёру-бирадарлар бу қозондан овқат тановул қиладилар. Бу қутлуғ айёмда ҳам сумалак қозони атрофида жумҳуриятимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари жам бўлдилар. Ўзбегу рус, қирғизу тожик, қозоғу уйғур — барчабарча бир қозондан сумалак тановул қилишиб, бир дастурхон атрофида суҳбат қурдилар.

Наврўз байрами бу қадар гавжум бўлмаган эди, дейишмоқда одамлар. Наврўз дастурхони бу қадар тўкин бўлмаган эди, дейишмоқда кўпни кўрганлар.

Дастурхонимиз тўкинлиги юртимиз саховатидан. Дастурхонимиз тўкинлиги бободеҳқонларимиз меҳнатидан. Шунинг учун ҳам қадимий ва навқирон айём арафасида ўтказилган республика деҳқончилик саноати ходимлари қурултойи алоҳида рамзий маъно касб этди.

Наврўз байрами табиатда ва инсон қалбида рўй бераётган тозариш ва янгиланиш айёми, дедик. Мамлакатимизда ва жумладан жумҳуриятимизда ҳам кенг қулоч отаётган ошкоралик ва демократия ҳаётимизга наврўзий янгиланишлар даври бўлиб кириб келмоқда. Қурултойда ўртага ташланган, бутун меҳнаткашлар манфаатларига қаратилган долзарб вазифалар муҳокамаси шуни кўрсатдики, сиёсий-ижтимоий, социал-маънавий соҳаларда яқин вақтлар ичида жиддий ўзгаришлар амалга оширилади. Жумладан қурултойда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўзаро муносабатлар тубдан қайта қурилади, қишлоқнинг социал қиёфаси қайта ўзгартирилади. Энг муҳими, партия ўзининг аграр сиёсатида Ер ҳақидаги қонун асосида деҳқонларни ернинг ҳақиқий соҳиблари бўлишларига эришишни кечиктириб бўлмас вазифа қилиб қўйди.

Жумҳуриятимиз ҳукуматининг қарори билан кенг нишонланган баҳор ва поклик, шодлик ва меҳнат, дўстлик ва меҳр-оқибат айёми бўлмиш Наврўз ҳаётимизга ана шундай янгиланишлар, халқимиз фаровонлигига қаратилган муҳим вазифалар билан кириб келди. Одамлар қалбида рўшноликка, эртанги кунимизга, республика партия марказқўми ва ҳукумати амалга ошираётган тадбирларга комил ишонч ҳисси уйғонди.

Дарҳақиқат, ўлкамизда Баҳор шахдам қадамлар билан одимламоқда. Далаларга барака, дилларга эзгулик уруғи қадалди.

Боғбон бобо, ниҳолга берсин барака!
Деҳқон бобо, даланга берсин барака!
Чўпон бобо, қўрангга берсин барака!
Йўлинг ёруғ бўлсин, эзгулик!
Элинг порлоқ бўлсин, Ўзбекистон!

Саъдулла ҲАКИМ,
СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

ЙЎЛИНГ ЁРУҒ БЎЛСИН, ЭЗГУЛИК!

Наврўз айёмини бу йилдагидек орзиқиб кутмаган эдик. Кўп йиллардан буён бу йилдагидек кенг нишонламаган эдик.

Наврўз айёми бу йил жумҳуриятимизда чинакам баҳор, шодлик ва меҳнат байрамига айланди. Халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган қутлуғ анъаналари бутун бўйбасти билан намоён бўлди.

Гўзал пойтахтимиз Тошкентда 21 март тонготарида бешикдаги гўдакларни карнайсурнай садолари уйғотди. Миллий кийим кийган жарчилар шаҳримиз кўчалари бўйлаб кезиб, кўпмиллатли пойтахт аҳолисини Наврўзи олам тантанасидан огоҳ этдилар. Жарчи чавандозлар изидан салобат билан илгарилаган туялар карвони Наврўз Шарқ мамлакатларининг миллий-байналмилал айёми эканлигидан далолат бериб ўтди. Халқлар дўстлиги майдони, Карл Маркс кўчасидаги сайлгоҳ, Навоий кўчасидаги шеърият боғида куй-қўшиққа, шеър аскияга, кулгу рақс томошаларига уланиб кетди. Санъат усталари ва халқ ансамбларининг чиқишлари, дорбозларнинг моҳирона ҳаракатлари йиғилганларга завқ-шавқ улашди. Ҳамманинг ниятида илиқ бир самимият, меҳр-оқибат порлаб турарди.

Тантаналар жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида катта тайёргарлик билан, халқ ирода этгандек ўтди. Нукусда кечган шодиёналар бамисоли қорақалпоқ қатнашганларга фольклор-этнографик ансамбли концертини кўриш насиб қилмади. Бироқ Наврўз ҳеч кимни унутмади — у ҳаммага севинч, жўшқин кайфият бахш этди.

Қадимий Бухоронинг эски шаҳар қисмида Наврўз тантаналари афсонавий манзара касб этди. Халқ амалий санъатини намоён этаётган кулоллар, темирчилар, заргарлар, чархчилар расталари оралаб ўтган ҳар бир киши ўтмиш ва замон қондош ва жондош эканлигини яна бир бор чуқур ҳис этганлигига шак-шубҳа йўқ.

Худди мана шу Наврўз кунлари Ўзбекистон халқи ўзининг нақадар бағри кенг, одамохун эканлигини баралла намойиш этди, десак муболаға бўлмас. 25 соат давомида телемарказ эшикларидан саховат қучоғини очиб келувчиларнинг оёғи узилмади. Улар ногиронлар, етим-есирлар, қаровчисиз қолганлар учун бисотларида нималар бўлса шуни олиб келдилар. Кимдир юқорида эслатиб ўтганимиз каби ўйинчоқлар, кимдир эса тўн, кимдир соат, кимлардир, айниқса, ёш болалар тангалар сақланаётган қутичаларни, ўз фотоаппаратларига йиққан пулларини олиб келиб топширдилар.

— Фақат телемарказнинг ўзида ташкил этилган омонат кассанинг ўзигагина сутка давомида 100 минг сўмдан ортиқроқ накд пул келиб тушди, — дейди ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар бош редакцияси бош муҳаррирининг ўринбосари Нурилла Холиқов.

Умуман эса 21—22 март кунлари «Наврўз» хайрия фондига жумҳуриятимиздаги барча корхона, хўжалик, бошқарма ва меҳнаткашлардан 6 миллион сўмга яқин маблағ келиб тушди. Улар етим-есирлар ва ногиронларнинг бошини силашга хизмат қилади.

Кўрсатувни ташкил этишда В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ болалар фонди Ўзбекистон бўлими, республика Қизил ярим ой жамияти, республика меҳр-шафқат ва меҳрибонлик фондлари ҳамда Ўзбекистон телевидениеси жонбозлик кўрсатдилар.

Кўрсатувда бутун жумҳуриятимиз иштирок этди, десак тўғри бўлади. Чунки, репортаж ва лавҳалар республикамизнинг деярли ҳамма вилоят ва районларидан олиб борилди.

Журналистлардан Дадахон Ёқубов ҳамда «Совет Ўзбекистони» газетасининг мухбири, Ўзбекистон ССР халқ депутати Жаҳонгир Маматов узлуксиз телекўрсатувни маҳорат билан олиб бордилар.

Кези келганда кўрсатувни тайёрлашда фаол иштирок этган режиссёрлардан Тамара Маҳкамова, Тоҳир Жўраев, Элдор Мирсаидов, журналистлардан Марат Асадуллаев, Муаттар Комилхўжаева, Нурали Абдуллаев, телемарказ ходимларидан Ҳамидулла Назиров, Собир Мирзаахмедов, Бахтиёр Ғофуров, Темур Нуъмонов, Мидхад Мифтахудинов, Шуҳрат Зиёвутдинов, Вячеслав Савченко, Қудрат Ғуломов, Султон Умаров, Адҳам Қўчқоровларнинг номларини ҳам ҳурмат билан тилга олиб ўтиш лозим.

Ҳайрия олувчилар қалбида меҳр чашмаси жўш урган барча саховатли кишиларни бир умр эслайдилар.

Қ. СОБИРОВ,
СССР журналистлар уюшмаси аъзоси.

МЕҲР-МУҲАББАТ ҚЎРИГИ

Ўзбекистон телевидениеси ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар бош редакциясининг режиссёрлик хонасида 2 та ажойиб сарғиш ўйинчоқ, айиқчалар ётибди. Уларнинг кўзларида ҳайрат ва қувонч қотиб қолган. Ушбу айиқчалар душанба куни Фарғона водийсига сафарга жўнайдилар. Уларни Ўзбекистон телевидениеси ходимлари Қўрғонтепа районига олиб бориб, ўша ердаги ногиронлар уйида тарбияланаётган Ойбек, Муаззам ва шунга ўхшаш кичкинтойларимизга топшириб келадилар.

Сиз тақдир зарбасига учраган бу кичкинтойларни телевидение экранида кўриб, яхши таниб олдингиз. Ёдингизда бўлса, жумҳурият телевидениеси 21—22 март кунлари 25 соатдан ортиқроқ вақт давомида узлуксиз равишда намойиш этган телевизион кўрсатув худди ана шундай оғир қисмат эгаларига бағишланди.

Умуман эса 21—22 март кунлари «Наврўз» хайрия фондига жумҳуриятимиздаги барча корхона, хўжалик, бошқарма ва меҳнаткашлардан 6 миллион сўмга яқин маблағ келиб тушди. Улар етим-есирлар ва ногиронларнинг бошини силашга хизмат қилади.

Кўрсатувни ташкил этишда В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ болалар фонди Ўзбекистон бўлими, республика Қизил ярим ой жамияти, республика меҳр-шафқат ва меҳрибонлик фондлари ҳамда Ўзбекистон телевидениеси жонбозлик кўрсатдилар.

Кўрсатувда бутун жумҳурият иштирок этди, десак тўғри бўлади. Чунки, репортаж ва лавҳалар республикамизнинг деярли ҳамма вилоят ва районларидан олиб борилди.

Журналистлардан Дадахон Ёқубов ҳамда «Совет Ўзбекистони» газетасининг мухбири, Ўзбекистон ССР халқ депутати Жаҳонгир Маматов узлуксиз телекўрсатувни маҳорат билан олиб бордилар.

Кези келганда кўрсатувни тайёрлашда фаол иштирок этган режиссёрлардан Тамара Маҳкамова, Тоҳир Жўраев, Элдор Мирсаидов, журналистлардан Марат Асадуллаев, Муаттар Комилхўжаева, Нурали Абдуллаев, телемарказ ходимларидан Ҳамидулла Назиров, Собир Мирзаахмедов, Бахтиёр Ғофуров, Темур Нуъмонов, Мидхад Мифтахудинов, Шуҳрат Зиёвутдинов, Вячеслав Савченко, Қудрат Ғуломов, Султон Умаров, Адҳам Қўчқоровларнинг номларини ҳам ҳурмат билан тилга олиб ўтиш лозим.

Ҳайрия олувчилар қалбида меҳр чашмаси жўш урган барча саховатли кишиларни бир умр эслайдилар.

Қ. СОБИРОВ,
СССР журналистлар уюшмаси аъзоси.

ҲЕЧ КИМ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

хотира *куни*

Эътибор ОХУНОВА

ДИЛ СЎЗИ ҚОЛДИ

Отаётган тонгнинг оқарди сочи,
Кулфатнинг қўрғошин эшигин очиб,
Фарёд чиқди ғамнинг уруғин сочиб, —
Йигитнинг энг сўнгги йўли эди бу.

Сергакланди қоя устида оҳу,
Кўчкинлар юракка қулади, ёҳу,
Йиғлайди майсалар, гуллар япроғи, —
Йигитнинг энг сўнгги куни эди бу.

Тирқишдан сирғалиб чиққан шум хабар,
Тоғларни қулатди, бўкди ер қадар,
Қайдин у қудратли, тиғли ғам-кадар, —
Йигитнинг қоп-қора туни эди бу.

Йиғлаб турар кеча туғилган бола,
Йиғлаб турар она кўксида нола,
Яшнаб турган боққа ёғибди қор-а! —
Йигитнинг узмаган гули эди бу.

Куйлаб турган оқин бирдан жим қолди,
Ёзиб турган қаламни ҳам ўт олди,
Гулга кирган чаманга ким от солди! —
Йигитнинг қақраган чўли эди бу.

Қоядан қулади тошлар, чамамда,
Дарё бўлиб оқди ёшлар, чамамда,
Эгилди мангу-минг бошлар, чамамда, —
Йигитнинг фарёдли уни эди бу.

Йигитлар улғайса — тоғлар юксалар,
Йигитлар мунғайса — тоғлар паст бўлар,
Юракдан чакиллаб қон томса магар, —
Кулфатнинг туғилган куни эди бу.

Сўнгги йўл, сўнгги йўл... олисмиди ул,
Тобутнинг ичида кетди-я норғул.
Гуллар ёниб кетди, чаман қолди тўл, —
Йигитга чанг солган ўлим эди бу!

Кетди, лек қалбларда пок изи қолди,
Эгизак фарзандлар — юлдузи қолди,
Китоблар қатида ўт сўзи қолди,
Дил сўзи ва сўзнинг дили эди бу.

• *Хандақларда*

ёзилган хатлар...

Оғир жангдан сўнг дам олиш соатларида, жанглар оралиғидаги кичик танаффусларда, ертўлалар ва хандақларда ёзилган туморча шаклидаги хатлар. Улар бизга ҳамон совет жангчисининг матонати, букилмас иродаси, она-Ватанга, ўз элига чексиз садоқати ҳақида, ўз ёрига, фарзандларига, ота-онасига меҳру муҳаббати тўғрисида ҳикоя қилиб турибди. Қуйида ана шундай хатлардан намуналар ўқийсиз:



В. МОЛГАЧЕВ сурат-лавҳалари.

Салом айтинг

«Азиз дадажон, Сизни ва Сизнинг жанговар дўстларингизни Октябрь байрами билан табриклайман. Сизга берилган 2 та ташаккурномани юборган эксансиз. Уни олгач, қанчалар хурсанд бўлганимни, азиз дадажоним, тасаввур қила олмайсиз. Мен гўдакларни қираётган немис босқинчиларига қарши курашаётган жангчининг ўғли бўлганим билан фахрланаман.

Дадажон, янада қаттиқроқ жанг қилинг. Фашист-одамхўрларни саваланг. Мен 5-синфда «4» ва «5» баҳога ўқияпман. Янада яхши ўқишга ҳаракат қиламан.

Қуролдош дўстларингизга биздан салом айтинг.

Сизнинг ўғлингиз:

АҲМАД».

Онажон, хат ёзинг...

«Ширинбой жажжиларим — Аҳмад ва Нури! Сизлардан хат олганимга ҳафтадан ошди, лекин мен ўз вақтида жавоб ёза олмадим—жанговар ҳолат имкон бермади. Мана энди биз немисларнинг кетма-кет икки шаҳрини эгалладик, йўл-йўлакай душманнинг атрофга тўзғиб кетган қисмларини ҳам тор-мор келтирдик. Мен ўртоқларим билан фронтдан бироз берироқда дам олиб турибман. Шу пайтдан фойдаланиб, мен йиғилиб қолган «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталарини кўздан кечирдим ҳамда сизларга ва баъзи ўртоқларимга хат ёза бошладим.

Сизлар ўз хатларингизда мактабда аълочи бўлиб ўқиётганингизни ёзибсиз ва мени ҳам душманга қарши курашда аълочи бўлишимга умид қилибсиз. Мен сизларнинг бу тилакларингизни бажонидил қабул қиламан. Сўнгги томчи қоним қолгунча жонажон Ватанимизни ҳимоя қилиш учун, миллион-миллион совет болаларини озод қилиш учун курашишга ваъда бераман.

Менинг кичкинтойларим! Мендан ташвишланманглар. Менинг тан-жоним соғ. Кайфим чоғ. Яқин ойлар ичида душман устидан ғалаба қозонажакмиз. Сизларни ва ширин ўғилчам Анварни жуда соғиндим. Мен учун уни ўпиб қўйинглар. Усмонжон, Ҳожия, амаким ва бошқаларга салом айтинглар. Онажон, хат ёзинг. Хайр, ёқимтой жажжиларим. Яқин орада дийдор кўришамиз.

Соат уч бўлибди. Сизлар ҳозир авжи ширин уйқуда бўлсаларинг керак... Онда-сонда пулемёт ва тўплар овози эшитилмоқда. Менинг офицер ўртоқларим ертўлаларда тунамоқдалар. Бироз мижжа қоқиб олиш учун менга ҳам навбат келди... Ҳозирча хайр!

Салом билан ОТАНГИЗ.
Шарқий Пруссия, Лоттерфельд қишлоғи».
Гвардиячи лейтенант А. ХЎЖАХОНОВнинг фарзандларига 1945 йил 28 февралда ёзган хати.

ҚАДР ВА ҚАБРЛАР

БИРИНЧИ ҲИКОЯ. Ота эллик ёшдан ўтмай оламдан кўз юмди. Деҳқоннинг уйида нима бору, қанча жамғармаси бўларди? Бош фарзандини қарз-ҳавола билан уйлантирган эди. У рўзғорини бутлай олмай ҳалигача овора. Ундан кейингиси педагогика билим юртини яқинда тугатиб, боғчада ишлаяпти. Оладиган маоши кийимига етмайди. Қолганлари ўқувчи.

Отанинг бевақт ўлими оилани оғир аҳволга солиб қўйди. Озроқ қарз олиб маросимларни ўтказишди. Ҳалиям оналари уқувли. Далада ишлайди, сигирга қарайди, болалари билан томорқага зарур нарсаларни экади.

Яқинда кенжа фарзанди мактабдан ранги ўчиб, кўзларида ёш ғилтиллаб келди.

— Она, Хотира куни ҳамма мозорга бораркан, — деди у ўксик оҳангда. — Кўплар отасига қабрғош қўяпти. Отамнинг бошқалардан қаери кам...

Кенжатойнинг ўтинчи, баргдай титраб туриши она қалбини поралаб, ўртаб юборди. Қани энди, унга аҳволни, рўзғорни учма-уч ўтказиб турганини тушунтириб, айтиб бўлса?! Унинг ўзи ҳам эрининг хотираси шод бўлишини истамайдими? Жуда истайди. Лекин болаларининг ризқи қийилишини ўйлайди, улар ғамини ейди.

Кенжасининг кўнглига бир амаллаб таскин берди. Барибир, бола кўнгли узилган гулдай сўнганини сезиб, юраги эзилди. Қарз-ҳавола олиб, эри қабрига қабртош қўйишга жазм қилди.

Маълумки, қишлоқда уни ясашмайди. Онабола Урганчга тушишди. Шундай юмушни бажарувчи дўконни ҳам топишди. Уста ҳар гал чиройли қабртошларни кўрсатганда, болакай кўзларида қувонч порлар, онасига, келинг шуни ола қолайлик, деб тиқилинч қиларди. Баҳоси эса... Беш юздан то минг сўмгача. Бунинг учун она туз тотмай колхозда камида ўн ой ишлаши керак.

Охир-оқибат юз сўм сарфлаб, бир тахтачага ота исмини ёзиб қайтишди. Ундан на онанинг, на боланинг кўнгли тўлди. Лекин наилож. Имкондан ортиқроқ имконни кутиб бўлмайди, кўрпага қараб оёқ узатиш лозим.

ИККИНЧИ ҲИКОЯ. Кўклам кириб келган кезлар эди. Хизмат юзасидан Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоз идорасига келдим. Хўжалик раиси Раҳим Болтаев эндигина машинага ўтирмоқчи бўлиб турган экан. Унинг чеҳрасида чарчоқ аломатлари, доимо кулимсираб турувчи кўзларида ҳорғинлик. Баҳорги юмушлар кимни чарчатмайди, деган ўй кўнглимдан кечди. Колхоз катта, заҳмати ҳам шунга яраша. Ҳозир ҳам далага ошиқаётган бўлса керак. Лекин кейинги ўйим сароб чиқди.

— Имконингиз бўлса, қабристонга борардик, — дея таклиф қилди у.

Йўлга тушдик. Қабристонга кираверишда бир тўп одам иш билан банд эди. Улар ёдгорлик тиклашаётган экан. Партком секретари Жуманазар Оллоберганов бош-қош.

— Хосаул қишлоғилик 17 киши Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган, — деб тушунтирди Р. Болтаев. — Бу ёдгорлик улар хотирасига ҳашар йўли билан тикланяпти. Унга ҳар бир аскарнинг номи битилади. Ёдгорлик атрофи гулзор, дарахтзор бўлади, мангу олов ёниб туради. Қабристонга келган киши энг аввало, улар хотирасига таъзим қилиб ўтади.

Хўжалик марказида ҳам шундай ёдгорлик борлиги ёдимга тушди. У ғоят ҳашаматли, улуғвор. Унга урушга кетиб, қайтиб келмаган 147 ҳамюртимизнинг номи битилган. Шундай бўлгач, яна бир ёдгорлик зарурмикан?

— Масаланинг шу жиҳати бизни кўп ўйлантирди, — деб саволимга жавоб берди раис. — Оқсоқоллар билан кенгашдик. Обдон ўйлаб қарасак, хўжалик марказидаги ёдгорлик кўп ҳолда катта тадбирлар ўтказилган пайтдагина зиёрат қилинар экан. Урушда ҳалок бўлганлар хотираси доимо ардоқда бўлишига эришиш устида изландик.

Ечими жуда оддий тарзда ҳал бўлди. Уни оқсоқоллар айтишди. Урушда ҳалок бўлган ҳар бир кишининг хотирасини ўзи туғилган қишлоқдаги қабристонда абадийлаштиришга қарор қилинди. Шу тариқа колхознинг тўрт қабристонида ҳашар йўли билан ёдгорлик тиклашга киришилди. Биз бориб кўрганимиз охиргиси эди. У ҳам орадан кўп ўтмай битказилди.

УЧИНЧИ ҲИКОЯ. У на отаси, на онасини эслай олади. Иккаласи ҳам у гўдаклик чоғида вафот этишган. Шу боис болалар уйида тарбия кўрди. Ишлади, таҳсил олди. Элнинг ишончини оқлаб, катта лавозимларга лойиқ кўрилди. Бироқ ёшинг улғайган сари ота-онанг кимлигини билгинг, жилла қурса қабрларини зиёрат қилиб, кўнглингга таскинлик бергинг келаркан, улар руҳини шод этиш эҳтиёжга айланиб қоларкан. Шу боис у оғайни-қариндошларини кўп излаб охири топди. Улар ота-онаси ҳақида билганларини айтиб беришди. Улар қайси мозорга дафн этилганини билишаркан-у, лекин қабрларини аниқ кўрсатиб беришолмади. Йиллар ўз ишини қилган, қабрлар чўкиб ёки йўқ бўлиб кетган эди.

Нима қилиш керак? Қариялар билан кенгашиб, қабристоннинг бир жойига ёдгорлик ўрнатди. Унга ота-онасининг исмларини битди. Ён-атрофига мажнунтол, гуллар ўтқазди. У бу ерга болачақаси билан тез-тез келиб туради. Худди ота-онасининг асл мозорларидай эъзозлайди, обод қилади.

ТЎРТИНЧИ ҲИКОЯ. Қиёт қишлоғи. Ўта қадим, машҳур алломалар туғилган, яшаган мавзе. Беруний, Паҳлавон Маҳмуд, Мунис Хоразмий, Огаҳий...

Яқинда бу ерда Огаҳийнинг 180 йиллик тўйи катта шодиёнага айланиб кетди. Шоирнинг қадим хоразмча услубдаги уйи тикланди, ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Колхоз клубида ўтказилган кечада унинг дилбар ғазаллари, сеҳрли қўшиқлари дилларни ром қилди. Назаримда барча тадбирлар орасида қалбга энг таъсирлиси — шоир қабрини зиёрат этиш, табаррук руҳига бош эгиш бўлди, десам хато бўлмас.

Шу куни меҳмонлар билан Хивани, унинг ажойиб обидаларини яна бир бор томоша қилдик. Ҳар галгидай буюк меъморчилик санъатидан ҳайратландик, руҳимиз яшарди, қалбимиз ғурурга тўлди. Бироқ... Инқилобдан олдин қурилган рус-тузем интернати ёнидаги Огаҳийнинг иккинчи қабрини кўриб, юрак зирқираб кетди.

Бу шоирнинг соҳта қабри. У ёлғиз эмас. Огаҳийникига ёнма-ён яна шундай учта қабр тикланган. Ҳаммаси адабиётимиз ва санъатимиз тараққиётига ҳисса қўшган кишиларники: Мунис Хоразмий, Аваз Ўтар ўғли, Қурбон ота Исмоилов...

ХУЛОСА ВА МУЛОҲАЗАЛАР. Дастлабки ҳикояни сўзлаб беришганда вужудим титраб кетди. Болакайнинг ўксик нигоҳи, иложсиз онанинг изтироби кўз ўнгимдан нари кетмай, юрагимни эзиб юборди. Наҳотки эрта-ю кеч, қиш-у ёз меҳнат қиладиган оиланинг ота мозорига бир қабр тош қўйиб руҳини шод этиши шунчалик мушкул бўлса?! Афсус-надоматлар бўлсинким, ҳаётий ҳақиқат бу. Ҳозир жумҳуриятимизда 9 миллионга яқин киши ғоят оғир аҳволда турмуш кечираётгани ҳаммамизга маълум. Уларнинг кўпчилиги деҳқонлар эканлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Қабртошлар бўлса қиммат. Уни сотиб олишга ҳар кимнинг қурби етавермайди.

Мазкур муаммони ҳал этишнинг йўли борми? Назаримда бор. Бунинг учун жойларга арзон баҳо мармар етказиб беришни тубдан яхшилаш лозим. Масалан, Хоразм вилоятига келтирилаётган мармарлар аҳоли эҳтиёжини тўла қондирмайди. Нархи қиммат. Республикамизнинг бошқа жойларидаги аҳвол ҳам бу ердагидан яхши эмас. Ҳатто оламга донғи кетган Нуротадаги Ғозғон мармар конига яқин районларда ҳам шундай манзарани кўриш мумкин. Конларнинг ўзида бўлса миллион-миллион тонналаб мармар чиқитлари тўпланиб ётибди. Улар қурилишда ишлатиш учун давлат стандартига тўғри келмайди, деб ташлаб қўйилган. Вақолонки, улар қабр тошлар, эсдалик ва совға буюмлари ясашга жуда асқотади. «Совет Ўзбекистони» газетаси бу масалани илгари ҳам кўтарган эди. Лекин унинг ҳал этилиши ғоят секинлик билан силжияпти. Эндиликда бунга тоқат қилиб бўлмайди. Зероки, она ва боланинг изтиробли қалб нидоси ҳамда уларга ўхшаган миллионлаб ҳамюртларимизнинг инсонийлик бурчи шуни тақозо этяпти.

Шу ўринда ота-боболаримиздан ўтиб келаётган бир удумни эслаш жоиз. Қадим-қадимдан қабрлар усти сувалиб, чор-атрофга жамбул-райҳонлар экилган. Вақти-вақти билан улар парвариш қилиниб тозалаб турилган.

Халқимизнинг ўтганлар руҳига бўлган камтарона бу муносабатини давом эттирмоқ даркор. Одамларга кўп заҳмат келтирадиган қабртошларидан кўра қабр устида ўсиб турган майса, очилган гуллар инсоннинг ер ва табиатга яқинлигини кўрсатади, тантанаворликнинг олдини олади.

Иккинчи ҳикоядаги воқеалар киши қалбини мунаввар туйғулар оламига етаклайди. Айниқса, Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоз аҳлининг урушда ҳалок бўлган ҳамқишлоқларининг хотирасини абадийлаштиришга алоҳида меҳр кўрсатишаётгани ибратли. Энг муҳими, улар учун ёдгорликлар ота-боболари ҳоки қўйилган жойда ўрнатиляпти.

Сохта қабрлар. Ушбу жумлани тилга олишинг билан юрагинг музлаб кетади. Азал-у абад, инсон боласи қай бир замонда, қай бир тузумда яшаган, қай бир миллат-у элга мансуб бўлган бўлмасин, лекин бу масалада сохтагарчиликка қарши бўлган. Иложсизликнинг, уруш ёки бирон бир фалокат туфайли вужудини топа олмасликнинг йўриғи бошқа. Асл мозори бўлса-ю, яна сохтаси ясалса.

Аламли савол ўртайди. Хивада сохта қабрлар қуриш не учун керак бўлиб қолди?

— Бу тарғибот-ташвиқот ишида сохтагарчилик, дабдабабозлик авж олган турғунлик йиллари маҳсули, — дейди СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Фозил Зоҳидов. — 80-йиллар бошига келиб у ўзининг энг юқори нуқтасига чиққанди. Ана шу даврда Хивадаги кўп мозорлар қаровсиз, улуғ алломаларнинг қабрлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Ажнабий сайёҳлар, ўзимизнинг ўлкалардан келган меҳмонлар эса улар қабрини зиёрат этишни, руҳлари қаршисида таъзим қилишни исташарди. Районнинг «доно» раҳбарлари бунинг энг осон йўлини ўзларича ўйлаб топишди. Огаҳий, Мунис, Аваз Ўтар ўғли, Қурбон ота Исмоиловларнинг асл қабрлари борлигини, уларни обод қилиш зарурлигини била туриб, унинг ўрнига Ичон қалъада сохталарини ясашни маъқул топишди.

Ўша кезларда яна бир кўнгилсиз воқеа юз берган. Хиванинг «доно» раҳбарлари ўзларини «кўрсатиш» пайида шаҳар ўртасидаги мозор ўрнида бозор қуришни истаб қолдилар. Ота-боболари ҳокини кўчира олганлар кўчириб қолишди, кўчира билмаганларинки бульдозер остида қолиб, теп-текис майдонга, сўнгра бозорга айланди.

Қиссамиздан ҳисса шулки, ҳаёт мавжуд экан, туғилиш ва ўлим бор... Фақат биз оламдан кўз юмганлар хотирасини ардоқлашимиз, мозорларимизни обод этиб, алломалар қабрини кўз қорачиғидай асрашимиз зарур. Бу ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Шундай нақл бор: ўликлар хор бўлмаган жойда тириклар ҳар доим иззатда бўлади. Буни унутмаслигимиз керак.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Уктам Усмонов **ГИРДОБ**

Адибнинг иккинчи умри

«Гирдоб» тўпламининг саҳифаларини бирма-бир очяпману, куни кеча қаторимизда юрган ҳамкасбимизнинг ёрқин сиймоси кўз олдимда жонланади. Адиб «Гирдоб» романи ва «Кишан» қиссасини шу ҳолда кўрганда қанчалик севинарди. Мунаққид Матёқуб Қўшжоновнинг «Ҳаёт гирдоблари ва адиб» мақоласини ҳаяжон билан ўқирмиди?!

«Кишан» қиссаси «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилган дамлар эди. Муҳаррирнинг телефони тинимсиз жиринглар, ёзувчи-ю танқидчилар янги асар билан табриклашар, узоқ умр ва сиҳат-саломатлик тилашарди. Мен ўша дамларда дилкаш Ўктам Усмоновнинг ҳурсандчиликдан ёниб, илҳом булоғи қайнаб кетаётганлигини ҳис этгандим. Орзулари бир олам эди. Афсуски, ҳасталик, дардкаш ҳарорат унинг иродасини букишга интилди, қаддини эгди. Кўп ўтмай адибнинг умид ва орзулари фалокат офтобининг шаҳодат мағрибига ботди.

Яна китобни варақлайман. Биз учун яқин, деярли ҳар бир хонадонимизга меҳмон бўлган асар қаҳрамони — Азизни ўйлайман. У истеъдодли олим, ҳақиқат учун курашчилардан. Азиз фан оламини «енгил-елпи» йўллар билан забт этган Шорасуллар билан, манманлик касаллигига йўлиққан Муҳиддин Жабборовичлар билан курашади.

Худди шу ўринда Азизнинг Муҳиддин Жабборовичга қарата сўзларини эслайлик: «Ўшанда сиз, муҳтарам академик, мана нима дегансиз! Аспирантлигимдаёқ «бу тажрибага овора бўлма... бошни оғритма...» дегансиз. Бу ишимни сароб дегансиз... «Одам ҳаётида минг хил адашиши мумкин... тўғри йўл эса битта», деб бутун умримни бағишлаган мавзуимдан чалғитган вақтларингизни, наҳотки, унутдингиз?! Ахир, қайси лафзингизга ишонай!?»

Азизнинг гаплари бугунги кунимиз учун ҳам ибратли. Яхши ишларимиз, ихтироларимиз, кашфиётларимизни тўсаётган амалдорваччалар озми бугун! Шунинг учун ҳам Ў. Усмоновнинг «Гирдоб» романи ва «Кишан» қиссаси ўқувчиларнинг севимли асарларига айланган.

Худди шундай! Адиб Ўктам Усмоновнинг Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган «Гирдоб» тўплами китобхонлар қўлида.

Адибнинг иккинчи умри давом этяпти. Бу боқий умрдир.

Яна бир истеъдодли ҳамкасб дўстимиз Ўткир Абдуазимовнинг «Излар» очеркслар ва публицистик мақолалар тўплами ҳам китобхонлар қўлига тегиш арафасида. Бу китобни «Меҳнат» нашриёти тортиқ этяпти. Тўпламда халқимизнинг фидойилари — қаҳрамонлар, олимлар, пахтакорлар — публицист нигоҳи ва қаламида ўзгалар билан суҳбат қуради.

Шу ўринда Ў. Абдуазимовнинг майин табассуми, баъзан ноҳақликлардан бурқсиратиб чеккан пайтларидаги ғазабини эслайман. Унинг жавонларда терилган қўлёзма, тазкира ва китоблардаги дастхатлари «Мен сизларнинг орангиздаман, ҳадемай қайтаман» деётганга ўхшайди. Журналист меҳр ва муҳаббат билан қаламга олган қаҳрамонлари баъзан муаллифни суриштириб ҳам қолишади, сўнг «Яхши одам эди-да» дея таскин беришади.

«Совет Ўзбекистони» қутлуғ даргоҳ. Бу ерга не-не алломалар ташриф буюрмаган, не-не олимлар, шоирлар қоғоз қорайтирмаган. Мана шу қутлуғ хоналарда илҳом булоғи қайнаган пайтлар кам бўлганмиди? Халқимизга севимли асарлар ҳадя этган адиблар, журналистлар озмиди! Мана улар: Ҳабиб Нўъмон, Аҳмад Шораҳмедов, Холбек Ёдгоров, Саъдулла Кароматов, Абдукарим Набиҳўжаев, Восе Маҳкамов, Ҳамид Нурий, Самад Қодиров, Маъруф Назаров, Собир Жўраев... Мен дарёдан томчи келтирдим, холос.

Саволлар кўп, муаммолар ҳам кўп... Асосийси ана шу устоз, ҳамкасб адибу-журналистларни улуғлаш, ижод бўстонидан гулдасталар тайёрлаш ва халққа етказиб иккинчи умрини давом эттириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Мирза КАРИМ.
СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ҲАМИША ҚАЛБЛАРДА

Ғиждувон районидаги қадимий Гишти қишлоғининг қоқ ўртасида қабристон бор. Унинг чор-атрофи — ўриксор. Баҳор айёми боғдаги дарахтлар оппоқ бўлиб гуллади. Чаманзор ўртасидаги қабристонга инқилоб жангу жадалларида фаол иштирок этган, хотин-қизлар озодлиги учун курашган, беш йилликлар, тикланиш ва бунёдкорлик даврининг фидоийларидан Улфатбиби Бекназарова дафн этилган. Ғиждувонда колхозлаштириш айни қизиган пайтларда у хотин-қизлар ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб борган эди. Бунда ўзи намуна бўлганди. Дастлаб тузилган Бауман номли колхозда пахтачилик звеносини бошқарганди. Қирқинчи йилларнинг охирида У. Бекназарова бошлиқ звено ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил етиштириб, рекорд кўрсаткичга эришди. Бу муваффақиятлар учун у «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланди. У. Бекназарова жумҳуриятимизда танилган пахтакорлар сафидан ўша йиллардаёқ ўз ўрнини топди.

Немис фашистлари Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирганда Улфатбиби ҳам ҳамма қатори ўғли Турсунни фронтга жўнатди. Орадан бир йил ўтгач оғаҳон ўғли жангда ҳалок бўлганлиги тўғрисида қора хат олди. Бу оғир жудолик, тубсиз ғам она қалбини титратди, лекин унинг қаддини букмади. Невараси Бобоқулни ҳам фронтга кузатиб қолди. Хайрият, невараси фронтдан ғалаба билан қайтди. Лекин У. Бекназарова буни кўра олмади. Оғир хасталик уни ҳаётдан олиб кетди.

Мана, 48 йилдирки, улуғ доҳий номи билан аталадиган колхозда уста пахтакор, жасур аёл Улфатбиби Бекназарова хотираси эслаб тирилади. Район пахтакорлари, у эришган рекорддан пастга тушганлари йўқ. Ўтган йили колхоз пахтакорлари Бухоро вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажардилар. Бу муваффақиятлар муҳтарам она, ажойиб пахтакор хотирасига муносиб тортиқдир.

Қишлоқ Совети Бекназарова номи билан юритилади. Ғиждувон шаҳридаги кўчаларнинг бирига ҳам онахоннинг номи берилган. Ҳа, унинг номи қалбларда мангу яшайди.

Д. БАҲРОНОВ.

ЭЛ ЁДИДАН ЎЧМАСИН

«Аслида-ку беш йил бўлди Баҳодирнинг қайтмайдиган бўлганига. Беш йил бўлди шум хабарнинг бу хонадон тинчини бузганига. Инсон ҳамма нарсага кўникаркан, уйқусизлик, очин-тўқин яшаш, оғир азоб-уқубатлар... Лекин ҳеч ким фарзанд доғига кўниколмас экан...»

1984 йил сентябрининг тўртинчи куни Баҳодир Раҳимов ҳарбий топшириқни бажариш пайтида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ у вафотидан сўнг «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланди. Қаҳрамон қабри... Устига оқ қўйма мармар қўйилган. Қабр тошга рус тилида шундай ёзувлар битилган: «Раҳимов Баҳодир Исмоилович 1965—1984. 4. IX. Интернационал бурчини ўтаётиб ҳалок бўлган».

Орзулари ушалмасдан инсонлар бахти учун жон фидо қилган йигитни доимо хотирлаш учун қўйилган бу ёдгорликка қараб, ҳали кўплаб лоқайд, меҳрсиз кишилар борлигига амин бўламиз. Чунки, тош бир томонга оғиб, йиқилай-йиқилай деб турибди. Атрофига қўл учида қўйилган бетонлар нураб, тўкилиб кетган, Ғарибона қийшайиб турган қаҳрамон қабр тошига қараб юрагинг эзилади.

Ахир, бу ҳамқишлоқлари, атрофдагилар, қаҳрамон йигитни ўн йил бағрида ўқитиб, камолотга етказган мактаб, устоз муаллимлар, Норин ноҳия раҳбарларининг лоқайдлиги эмасми?

Баҳодир Раҳимов номини абадийлаштиришни талаб қилиб мақолалар босилди. Ноҳия партия, совет органлари эса муносабат билдиришмади.

Биз Наманган вилоят партия комитети жасур жангчининг хизматини тўғри баҳолаб, унинг номини эъзозлайди, деб умид қиламиз. Токи, номи эл ёдидан ўчмасин!

Н. РАҲМОНОВ,
А. РАФИЕВ, бе
филология фанлари номзодлари.
М. АҲМЕДОВ.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01191. № 71. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12